

Узб. 2

88

Р-26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



БАДИЙ АСАРГА ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ

Филолог-магистрантлар учун
ўқув қўлланма .

Тошкент – 2003

УЗБ. 2
89
P-26


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

Абдуғафур РАСУЛОВ

БАДИЙ АСАРГА
ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ

Филолог-магистрантлар учун
ўқув қўлланма



Тошкент – 2003

Масъул мұхаррір: ф.ф.д., проф. С.Садыков.

Тақризчилар: ф.ф.д., проф. Б.Саримсоқов,
ф.ф.д. Б. Каримов.

Адабий танқид ўз тарихига, илмий-назарий асосларига эга. Ҳозиргача ўзбек адабий танқидчилигининг тарихи мұкаммал ёритиб берилмаганидай, унинг назарий асослари ҳақида ҳам илмий тадқиқотлар ніхоятда кам. Филология фанлари доктори Абдуғафур Расулов мазкур китобчасида бадиий асарга биографик ҳамда тарихий-функционал ёндашув муаммосини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган.



Бошишга рухсат этилди 9.07.2003. Ҳажми 2,75 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 290.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.

БАДИЙ АСАРГА ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ

Адабий талқин – матнни тирик мағкудот сифатыда көбүн килиш, англашдир. Бадий матнга қандай мәксед бишин өндөннөң үша мәксадға эришилади. Күпинча бадий матн орқали ғүнчі тирини, асарнинг миллий-маданий-адабий қатламдаги үринин матнда акс этган вокеликнинг қай даражада хаёттый, ҳакконий әкапишини билишга интилинади. Ҳозиргача давом этган танқидчишни имитла ижтимоий ёндашув, мантикий англаш етакчилек килдики, у асириниң ҳаёттыйлиги, ҳакконийлигини ёритишга хизмат қилди. Ҳакконийлик на ҳаёттыйлик меъёри ижтимоий тузум эхтиёжи, буюртмасига күри белгиланди. Натижада ижтимоийлик сохталаштирилди, мантикийлик мағкуравийликка юз бурди. Бадий матнда ёзувчи тақдири (рухияти, кайфияти, қай даражада эркинлиги) биографик, ижодий-генетик ёндашув орқали намоён булади. Шуро адабиётшунослигига бундай ёндашув ривожлантирилмади. Шуро сиёсати, коммунистик мағкура ёзувчини шахс, сиймо сифатида кадрламади. Аксинча, истеъододли, фикрловчи ижодкорлар аксарият ҳолларда душман, ички ёв сифатида күрилди. Ёзувчи руҳиятидаги үзгаришлар онтологик ёндашувда аник күринади. Онтология – сўзлар, тасвиirlар, умуман, матн орқали ёзувчи қалбини, симпатия-антиспатияларини, истеъододи даражасини аниклашдир. Онтология матнни тирик ҳолат деб карашга асосланғандир. У матндаги ҳар бир ҳаракат, ҳолат орқали ёзувчи қалбини англашга йўналтирилган ёндашув.

Хуллас, талқин – ёндашувлар, таҳлиллар демак. Таҳлил, ёндашув, талқин, танқиддан мәксад асар баҳосини белгилашдир.

БАДИЙ МАТНГА ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ЁНДАШУВ

Биографиябозлик шуро ҳукумати даврида роса авж олди. Маълумки, тўрачилик тизими нимага зиёд ружуъ қилса, үша нарса ёки ҳолат сийкалашади, туссизланади. Аслида, “биография” эътиборга лойик, эъзозланадиган туншунча: зотан юононча бўлган бу атама “умр тарихи”, “битиклаги тақдир”, “хаёт” маъноларини ифодалайди. Ахли тамаддун катори ўзбеклар бу атамани инкор этмайдилар, ундан юз ўғирмайдилар. Аммо шуро тўрачилик тизими “биография”ни “маълумотнома” даражасига тушириб кўйди.

“Биография” узбекчага “таржимаи ҳол” тарниди учироғани. Аксарият кишилар “таржимаи ҳол” нима, қачон, қандай шайло бўлган, моҳияти қандай эканлигини, миллий асоси борми нуқми ўтилаб ўтирумайдилар. “Таржимаи ҳол” деймиз, ёзамиз, онғиминида яна ушаша сийкалашган, мавхум “биография” тураверади.

Алишер Навоий асарларида “ҳол” сўзи бисёр даражада кўлланган. “Ҳол” – арабий калом. Кўллиги “аҳвол”, “ҳолот”. Навоий асарларида “ҳасби ҳол”, “ҳолот адоси”, “ҳолот кайфияти”, “завки ҳолот”, “паришон ҳолот” сингари бирикмалар бот-бот, ўрни-ўрнида учраиди. Завки ҳолот, шавки ҳолот кўтаринки кайфиятни ифодалаган бўлса, “бехол бўлмоқ”, “ҳоли хароблик” тушкунлик, маънавий таназзулни билдирган.

Инсон ҳаёти, тақдирни, ҳуқуки, соғлиғи, ижтимоий-сиёсий, маънавий-адабий фаолияти билан боғлиқ соҳа борки, биография – таржимаи ҳолга мурожаат килади. Адабиётшунослик фанида биографик метод (ёндашув), бадиий адабиётда биографик жанр бор. Жаҳон адабиётидаги машҳур сиймолар характерини ёритиш орқали тарихий тараккиёт қонуниятлари, жамиятнинг маънавий-рухий ҳолати, ўсиш-ўзгаришлари жараёни ишонарли кўрсатиб берилган асарлар талайгина¹. Шарқ мумтоз адабиётидаги пайгамбарлар, авлиё, машойих, ҳакимлар, уламолар, ёзувчилар, давлат арбоблари, шоҳлар, сultonлар, амирлар ҳакида битилган асарлар бисёр. Шарқ адабиётшунослигига тазкира, маноқиб-ҳолотлар кўп.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига 50-90-йилларда юздан ортиқ танқидий-биографик очерклар, адабий портретлар, адабий лавҳа – эсселар яратилди. Лекин на танқидий биографик асарлар, на адабий портретлар ва на эссе – бадиалар назарияси, муаммолари илмий адабиётда мукаммал ёритилмади.

1975 йил 27 августдан 1976 йил 14 январгача “Литературная газета”да “Биографическая литература: были и небылицы” мавзусида баҳс бўлган эди. Унда И.Золотоуский, Я.Гардин, Е.Муза, А.Латынина, Д.Брегова, В.Порудаминский, М.Бойко, Т.Бек, Арман Лану сингари ёзувчи, адабиётшунослар иштирок этиб, бадиий, илмий, адабий, шинмий-оммабоп биография орасидаги тафовут, фарқларни кўрсатиб бергани ҳизилар. Илмий биографияяда, бадиий биографияядан фарқ килиб, тўқими, кўшиши-чатишларга ўрин йўқ. Унда далилу манбалар

¹ Григорий Рогачев. Жизнь великих людей. –Е.: Айастан, 1987; Моруа А. Литературные портреты. – М.: Прогресс, 1971; Федорин К. Горький среди нас. –М.: Молодая гвардия, 1971; Гарин И. Приключения Т. 2. – М.: Гарри, 1992.

нинг давомийлиги берилади. Тарихий романда, масалан, ёзувчи вожелик, аниқ шароит билан хисоблашади. Биографик асарда шароит таржимаи ҳолни ишонарли тиклашига ёрдам беради.

Рус адабиётида Радишчевнинг 1789 йилда яратилган «Фёдор Васильевич Ушаков» асари романлаштирилган биографиянинг илк намуналаридан хисобланади. В.Г.Белинский биографик романа: 1) тўқимага йўл кўйилмаслиги; 2) далиллар жонли, кўтаринки руҳда берилиши лозимлигини; 3) ҳужжатлар воеа (сахна)ларни ташкил этишини; 4) ўзаро ёзишмалар диалог шаклида берилишини; 5) воеа ривожи умумий ғоя томонидан бошқариб борилиши лозимлигини таъкидлайди. Ксенофонт Полевой М.Ломоносов ҳакида биографик асар ёзган экан, В.Белинский мана шу асар ҳакида бундай дейди: «Сиз шунчаки асар (конпилияция) ўқимайсиз, далиллар уюми қаршисида туриб қолмайсиз, жонли, тўлақонли ҳаёт ичидা сузасиз... Бу аслида на роман, на биография. У акл ва жозибали ҳаёлот маҳсули, у ҳам илм, ҳам санъатга тааллукли: у тамоман бетакрор, охорли турдир»¹.

Ўзбек адабиётшунослигига Ҳамза ҳакида уч жилди (Л.Қаюмов);Faфур Ғулом ҳакида икки жилди (С.Мамажонов); Ойбек ҳакида Ҳ.Ёкубов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, Б.Назаров, Л.Қаюмов; А.Қаҳҳор ҳакида О.Шарафиддинов, П.Қодиров, Ҳ.Абдусаматов, Н.Владимирова, В.Смирнова, И.Боролина; Яшин ҳакида Ҳ.Абдусаматов, М.Саматов; Ҳ.Олимjon ҳакида С.Азимов, Н.Каримов; Уйғун ҳакида Тожи Қораев тадқикотлари ёзилди. Сўнгги ўн йилликда Абдулла Қодирий ҳакида У.Норматов, Чўлпон ҳакида Н.Каримов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Д.Куронов, Фитрат ҳакида Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниевларнинг тадқикотлари яратилди. Ўзбек адабиётшунослигига Ҳамза, А.Қаҳҳор асарлари, ижодини кайта баҳолаш тамойили кучайди. Б.Назаров, С.Мамажонов, F.Мўминов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Н.Каримовларнинг Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳакидаги тадқикотлари пайдо бўлди. А.Қаҳҳор ижоди, асарлари О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Содиков, Р.Қўчкор, Ҳ.Каримов тадқикотларида кайтадан, жиддий ўрганилди.

Бадий асар – хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин - ёзувчининг ижод маҳсули. Фарзанд ота-онага ушшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти хисобга олинади. Адабиётшуносликда бали-

¹ Маълумотлар Л.П.Гроссманнинг «Поэтика Белинского» тадқикотининг «Биографик портрет» кисмидан олинди. «Ученые записки. Том XXXIV кафедра русской литературы Выпуск 3. Московский городской педагогический институт им. В.П.Потёмкина Москва, 1954

ий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, қайғиити ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд баҳини асарга ёзувчи ҳолати нұқтаи назаридан ёндашиш дейилади. Нағоелтшупе олим Юрий Боревнинг “Талқин ва баҳолаш санъати” китобининг “Санъаткор ва асар тақдири – маънони очувчи калит” бўлими “Биографик ёндашув” боби билан бошланади. Олимнинг таъкидлашиччи, биций асарга ёзувчининг шахсияти муҳрланган бўладики, шу унсуринг бетакрорлигини таъминлайди. Биографик ёндашув бадиий асирии ёзувчи шахсияти, руҳий-маънавий ҳолати нұқтаи назаридан үкишини такозо қиласи. “Санъаткорнинг ҳеч кимни книга ұшамаган тақдири унинг ижоди талқинидаги асосий калиттир”¹. Биографик метод ёхуд ёндашувнинг асосчиси деб француз адабиётшуноси, адаби Шарль Сент-Бёв (1804-1869) танилган. Ўрта аср француз адабиётини, XУI аср поэзиясини, Корнель, Мольер, Лафонтен, Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо, Шатобриан, Гюго, Жорж Санд, Флобер асарларини чукур ўрганиш орқали у биографик ёшдашув методини ишлаб чиқди. “Мени ҳамиша мактубларни, сұхбатларни, фикрларни, характернинг турли ҳолатларини, руҳиятни, бир сўз билан айтганда, машхур ёзувчилар таржими ҳолини ўрганиш ром этиб келди,² – деб ёзади Сент-Бёв.

Адабий танқид ҳамиша изланди, унинг янги-янги соҳалари пайдо бўлди. Аммо туғилганига 2004 йилда 200 йил тұладиган мўйсағид Сент-Бёв карашлари эскирганийдеги. Аксинча, улар турли йұналиш, нұқтаи назарлар билан баҳслашмоқда, ҳақлигини исбот кылмоқда. Париж Жарроҳлар Академиясининг аъзоси, Техрон Озод Ислом Тиб университетининг кафедра мудири, Байналмилал Жарроҳлар жамиятининг Эрондаги вакили, Озарбайжон университетлари ва миллий академиясининг фахрий профессори ва доктори, калб амри или адабиётшунослик билан ярим асрдан бери шуғулланиб келаётган Жавод Ҳайъатнинг “Адабиётшунослик”³ китобида “Адабий танқид”га кенг ўрин берилган бўлиб, ахлоқий, ижтимоий, марксистик, психологияк танқидга алоҳида-алоҳида тұхталинаиди. Муаллиф “Психоанализ ва танқид”, “Фрейднинг санъат назарияси” сингари масалаларга зътибор беради. Ижтимоий танқид ҳақида фикр юритиб Жавод Ҳайъат XIX асрда яшаган инглиз адабиётшуноси Х.Тейннинг “Инглиз адабиёті тарихи” (1858) китобидаги “Санъат ва адабий асарнинг

¹ Борев Ю. Интерпретация и оценка. –М.: Советский писатель, 1981. -С. 56.

² Сент-Бёв III. Литературные портреты. Критические очерки. –М.: Художественная литература, 1970. -С. 313.

³ Жавод Ҳайъат Адабиётшунослик. –Б.: Илм, 1996.

яратилишида ирк, мұхит ва замоннинг катта таъсири бордир”, – деган сүзларини көлтиради¹. Жавод Ҳайъат “Психологик танқид”да санъаткорнинг шахсияти билан асарлари орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлар экан, 1) асарни ойдинлаштирумок учун² санъаткор ҳәти ва шахсиятини тадқик этмоқ; 2) санъаткор психологияси ва шахсиятини ойдинлаштириш мақсадида асарларини мисол килиб көлтирумок лозимлигини уқтиради³. Табиийки, муалиф психологик танқид йўлини Сент-Бёв очганлигини айтади. “Ёзувчи ҳәтида бош берган ҳодисалар, ичида яшагани шароит, оила мұхити, ўқиган китоблари, бошидан кечирган ишк можаролари ва бу каби ҳодисалар ҳаммаси ёзувчининг шахсияти ва асарларини яхши англаши учун лозим ва фойдали маълумот таъмин этади”. Ж.Ҳайъатнинг таъкидлашича, асарни (унинг маъно катламларини) ёзувчидан яхши биладиган одам йўқ. Лекин, айни вактда, бадиий асар қаршисида ёзувчи ҳам биз сингари ўкувчи. Асар ҳамиша янги тағсир, талқинларни юзага келтиради, баъзан ёзувчи ҳам ўз маҳсул қаршисида ҳайратга тушади.

Ж.Ҳайъат таъкидлашича, бадиий асардаги барча ҳолатларни ёзувчи психологиясига боғлайвериш тўғри эмас. Ёзувчи асар ёзар экан, ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатида намоён бўлади. У санъаткор сифатида йўқни йўндириши, руҳий ҳолатларга ишонтириши мумкин. Берилиб ўкиш, киёслаш орқалигина ёзувчи руҳиятини асардан топиб олиш мумкин.

Шарль Сент-Бёв биографик метод асосчиси сифатида ниҳоятда маълум ва машҳур эди. Марксча-ленинча назарияга асосланган шўро адабиётшунослиги буржуазия олими Шарль Сент-Бёв назариясини кўр-кўронга тан олиши, ўзлаштириши мумкин эмас эди. Адабиётшунос В.Бараховнинг ёзишича: “А.В.Луначарский Сент-Бёв яратган портретларни нозик таҳлили, образли услуги боис қадрлаган эди. Айни вақтда у Сент-Бёвнинг биографик методидаги чекланганликларни ҳақли равишда танқид килган эди”³. 20-30-йиллардаги шўро санъатшунослиги, хусусан, адабиётшунослигининг асосий назариячиларидан бўлган А.В. Луначарский (1875-1933) Сент-Бёв назариясини марксизм ғояси томон “силжитди”. Яъни, Сент-Бёв назариясида ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги мавкеи қўрсатилмаганлиги, бадиий асар сиёсий ва мафкуравий нуктаи назар эканлиги диккатдан сокит қилинганлиги танқид остига олинган эди.

¹ Ўша асар. –Б. 50.

² Жавод Ҳайъатнинг юкорида кўрсатилиган асари. –Б. 51-52.

³ Барахов В С. Литературный портрет. –Л.: Наука, 1985. –С. 44.

ХХ асрнинг машхур олимларидан бири Пётр Капица «Ижодий «бебошлиқ» ҳақида» маколасида кўйидагиларни ёзди:

«Ахир, даҳолик аввало, бебошлиқда намоён бўлади-ку! Одам мавжуд нарсадан қаноат ҳосил килмагандагина унга ўргашмайди, янгисини қидиради. Павлов, Пирогов, Суворов ва Менделеевларнинг таржимаи ҳолидаги бебошликларни эсласак – бебошлиқ фанда, санъатда, адабиётда, фалсафада ҳамиша янгилик ахтарувчи ва қашф этувчи кишиларга хос хислат, деган хуносага келмай иложимиз йўқ. Шундай қилиб, кишининг салоҳиятини ривожлантирадиган шартлардан бири – бу эркин бебошлиқ, деган хуносага келиш мумкин».¹

Шўро ҳукумати, коммунистик мағкура истеъодли кишилар бошини кулфат-фалокатдан чиқармай қўйди. Қанчадан-канча истеъодлар йўқ килинди, шахс сифатида синдирилди, руҳан мажрух килинди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошига ташвиш тушмаган, ўлим ҳавфини ҳис килмаган биронта истеъодли ёзувчи қолмади, ҳисоби. Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, F.Ғулом сингарилар қанчалик кийналганликлари ҳақида кўплаб манбалар мавжуд. Шундай мураккаб вазиятда ёзувчилар атайнин биографияларига ўзгартиришлар кирита бошладилар: асл насл-насабларини яширдилар; ўзларини чаласавод, ўқимаган қилиб кўрсатдилар. Халқ руҳиятига сингиб колган хусусият шуки, у ўзини қанча хокисор, оддий оила кишиси қилиб кўрсатса, жамиятда мавқеи шунча баланд бўлган. 2000 йилда проф. С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китобининг иккинчи, тўлдирилган нашри чоп этилди. Китобга ХХ асрда ижод этган 175 та ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Аксарият ёзувчилар деҳқон, беғон, ишчи, хизматчи, ҳунарманд-тўкувчи, бўзчи, косиб, маҳсидўз, кулол, темирчи, мисгар оиласида туғилган экан. Ўн-ўн бештагина ёзувчи зиёли оиласада туғилганини ёзди. Таажжубки, ёши элликка етиб, етмаган ёхуд 20-30-йиллардаги соҳта ижтимоий муносабатлардан кейин туғилган адибларнинг аксарияти “оддий меҳнаткаш”, “оддий хизматчи”, “оддий ишчи”, “оддий деҳқон” оиласининг фарзанди эканлигини ёзди. 20-30-йилларда “оддий” аникловчиси бойга, диндорга, амалдорга, синфий душманга, эзувчи синфа якин эмас деган маънени билдириди. Ўзбек адибларидан икки нафаригина мусика ўқитувчиси; “маталгўйлик, достонхонлик урф бўлган оиласада” туғилганинги кайд этади. Таржимаи ҳолда моддий-маънаний, ижтимоий-сиёсий томонга эътибор қаратиш керак. Лекин оиласиги руҳий маънавий иклим ҳароратини четлаб ўтиш мумкин эмас.

¹ Жизони қиабинети – 2000, № 12 – Б 140.

Шўро даврида яшаб ижод этган ёзувчиларнинг бир қанчаси қамалган, қатағон, сургун килинган, судланган эди. Мухими, жабрдийда ёзувчилар айбиз сабабдан камалганилари, қатағонга учраганилари терговидан эшигандар. Қизиги шундаки, шўро даврида сиёсий айблов билан камалган, қатағон килинган, бадарға, хукуксиз бўлган кишилар таржимаи ҳолларида айбизор эканликларини, гарчи кўлларида оклов (айбизли) васикалари бўлса-да, ёза олмас эдилар.

60-йиллардан бошлаб шўро адабиётига ГУЛАГ мавзуси, сиёсий маҳбуслар ҳёти кириб кела бошлади. 80-йиллардан бошлаб ӯзбек адабиётида Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар”, К.Икромовнинг “Отамнинг тергов иши” романлари, Ҳ.Қодирийнинг “Қодирийнинг сўнгги кунлари”, Набижон Бокийнинг “Қатлнома” киссалари, С.Ахмаднинг биографик ҳикоя, бадиалари чоп этила бошланди. Шукруллонинг “Тирик руҳлар” романи ҳам қатағон мавзусида. Биз қатағон деганда факат 30-йилларнинг иккинчи ярми, 50-йилларнинг бошларидағи катли ом, сиёсий айблов жараёнларинигина тушунмаслигимиз керак. Ўйлаб, мулоҳаза килиб кўрилса, шўро хукумати Ӯзбекистонда мунтазам равишда ҳар ўн йилликда камида бир мартағдан “сиёсий тозалаш” тадбирини ўтказиб турган экан. 20-30-йилларда “сиёсий тозалаш” ҳаракати деярли тўхтамаган. 60-йилларда етук олим, арбоблар кутқиланганилиги, 70-йилларда миллатчилик кўринишларига карши хуруж, 80-йиллардаги “ӯзбеклар иши” минг-минглаб кишиларни қақшатди.

Шўро давридаги қатағонлар ижодкорлар ҳётида кора доғ бўлиб колган, кўплаб асарларда акс этган. Ҳозир таржимаи ҳолларда ўша бедодникларни барадла ёзиш лозим. Шу нуқтаи назардан мен “Ӯзбек адаблари” китобини кўздан кечирдим: “Миртемир 30-йилларнинг бошларида номаълум сабабларга кўра қатағон этилиб, “Москва-Волга” канали қурилишига юборилади”¹, М.Шайхзода “Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида қатағонлик жабрини тортган”². “Сайд Аҳмад ҳам қатағон даврининг иккинчи тўлкинига (?)” дучор бўлган, лагерь азобларини тортган ижодкордир”³. Шуҳрат ҳам 30-йилларнинг охири, ҳам 50-йиллардаги қатағондан жабр кўрганлиги, 60-йилларда туртқилаганлиги ҳақида ёзилган⁴. Табиийки, “Ӯзбек адаблари” китобида А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У.Носир, Суфизода, Элбек, Ш.Сулаймон, О.Хошим 30-йилдаги қатағон курбони бўлганликлари ёзилган. Ажабки, 50-йиллардаги қатағон ҳақида ҳам бадиий, ҳам публицистик асарларни кўплаб ёзётган Шукруллонинг қатағонга

^{1, 2, 3, 4} Мирвалиев Собир. Ўзбек адаблари. – Г.: Ёзувчи, 2000. – Б. 68, 61, 96, 89, 100-101.

учраганлиги, “Кафансиз кўмилганлар” романнинг қамоқдаги хаёти тасвирланганлиги эслатилмайди.

С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китоби муносабати билан ёзувчи таржимаи холига оид яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. XX асрда Тошкент шаҳри ҳар томонлама ўси, ривожланди, оламга танилди. Пойтахт шаҳримизнинг ҳудуди тобора кенгайиб бормокда. XX асрнинг 20-йилларигача Тошкент кичкинагина, мўъжазгина шаҳар эди. 40-йилларда, 60-йилларда (зилзиладан кейин), 80-йилларда Тошкент ҳудуди бекиёс кенгайди. Мустакиллик йилларида Тошкент гўзал, меъморий қиёфага эга шаҳар бўлиб бораяпти. О.Қўчкорбеков, Р.Абдурашидов, Г.Нуриллаева, У.Хошимов, М.Мансуров, Зохир Аъламлар Тошкент ён бағридаги мавзеларда туғилганлар. Ҳозир ҳам шу ерда яшашади. У.Хошимов ва Г.Нуриллаева, Р.Абдурашидов ва А.Иброҳимов кўшни бўлишган. Олим Қучкорбеков ва М.Мансуров Қатортолда туғилган. Лекин мазкур ёзувчиларнинг таваллуд топган ерлари ҳакида “ўзбек адиблари” китоби куйидагича маълумот беради. Г.Нуриллаева Тошкент вилоятининг Чоштепа кишлогида (Чоштепа кишлок кенгашига қарашли Дўмбравот кишлогида - А.Р.) туғилган” (170-бет). У.Хошимов Тошкентнинг Дўмбравот даҳасида... таваллуд топган” (187 бет). Аслида, Дўмбравот Бешёғоч даҳасига қарашли мавзе бўлган. У.Хошимов “Дунёнинг ишлари” киссасида Дўмбравотдан Янги маҳалла (Бешёғоч)гача йўлни – боф, узумзор, тупроқийул, симон кўприкни тасвирлаб берган. О.Қўчкорбеков “Занги ота туманининг Қатортол кишлогида” (127-бет), Муроджон Мансуров “Чўлпон отанинг ёнбағридаги Қатортолда” (189-бет) туғилган. М.Мансуров туғилган Қатортол мавзеси Бешёғоч даҳасида алоҳида мавкега эга бўлган. Чўпон отадан (Чўлпон ота эмас-А.Р.) Қатортол машхуррок бўлган. Қолаверса, М.Мансуров “Жудолик диёри” романнода Чўпон ота, Қатортол, Кўтарма, Катта Қангли, Якка боф, Изза кишлоклари табиатини гўзал тасвирлаган. Хуллас, Тошкент ичи ва ташида асрнинг биринчи ярмида туғилғанлар даҳа, маҳалла, мавзе тушунчаларига кўра йўл тутсалар – туғилган манзилларини ёзсалар тўғри бўлса керак. Акс ҳолда, Тошкент шаҳар ва вилоятдаги туманлар номи неча бор ўзгарди. Даҳа, маҳалла, мавзелар номи сакланиб келмоқда. А.Қодирий “Ўткан кунлар”, “Обид кетмон” асарларида Тошкент даҳалари, мавзелари, маҳаллалари ҳакида яхши маълумот берган. С.Мирвалиев Faфур Ғуломнинг Қўрғонтеги, Файратийнинг Деғрез, ҒЗафарийнинг Каттабоғ, А.Авлонийнинг Ўқчи, Шуҳратининг Ҳистимом, С.Аҳмаднинг Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилгани-

ни ёзади-ю, Ойбекнинг Говкуш, Абдулла Қодирийнинг Эшонгузар, Хуршиднинг Комолон, Ҳ.Умарбековнинг Меравот маҳалласида туғилганлигини ёзмайди. Китобда Мирмуҳсин, Раҳмат Файзийлар туғилган маҳалла, даҳа номи тўғрн кўрсатилиган.

Шўро ҳукмронлиги даврида инсон ҳол-аҳволи бузиб ёзилди, ҳолоти адоси сакталикларга тўлиб кетди, ҳолоти кайфияти сохталикка йўғрилди. Нега? Шўро давлати марксча-ленинча дунёқарашга асосланган бўлиб, даҳрий фалсафа ОДАМ-у ОЛАМ эгаси, яратувчиси борлигини тамоман инкор этди; оламин тамоман ўзгартириб ташла-мокка жазм этди. Марксизм-ленинлизм тақдирларни ўйинчок деб билди, инсонни не-не кийнок-кистовларга гирифтор қиши. Инсон ҳолати, биографияси битилар экан, гайритабии, гайриинсоний тушунчалар асос килиб олинди. Одам бир ён, унинг тўкиб чагилган биографияси бир ён бўлиб колди. Ҳамиша барча эзгуликлар инсон учун дея конституцияга ёзib кўйилгани ҳолда, шўро даврида барча нарсалар, ҳатто инсон ҳам гояга бус-бутун бўйсундирилди. Даильтаг ҳалқка эмас, омма-ҳамма давлат, сиёsat, мафкурани кўллаб-куватлаши воситасига айланди.

ХХ аср ўзбек адабиётидаги ғалати тақдирли ёзувчилардан бири Ҳ.Ҳ.Ниёзийдир. Ҳамза 40 йил яшади. Унинг ижоди ҳакида 80 йилдан бери мақола, тадқикотлар ёзиляпти, асарлари, синоатларга бой ҳаёти ҳакида баҳс, тортишувлар бўляпти. Ўйлаб кўрилса, 1931-1938 йилларда Ҳамза ҳакида кам ёзилиб, кам ганирилган экан. Шоир таваллудининг 50 йиллиги, фожиали ҳалок бўлганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Ҳамза, унинг асарлари яна оғизга тушди. Аникроғи, Ҳамзани ўзбек шўро адабиёти асосчиси сифатида белгилаш, ҳаёт йўли-ю асосий асарларини улуғлаш шу вактдан бошланди. Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайнлар “Ўзбек адабиёти” мақолаларида ёзадилар: “... эски зиёлилар совет ҳукумати позициясига мустаҳкам ўтиб, ўзбек меҳнаткаш ҳалкининг маорифи, мәданияти учун курашдилар. Бундай зиёлиларнинг энг садоқатли вакили оташин ҳалқ хизматчиси, партиясиз большевик Ҳамза Ҳакимзода бўлди.

Ҳ.Ҳакимзода бутун кучи билан маъданиятимизни ўстириш йўлида кизгин ишлади. У адабий меросимииздан, ҳалқ адабиётидан совет адабиётини кўтариш учун фойдаланди. У классик адабиётимиздан ва бошқа ҳалклар адабиётидан Ленин-Сталин партияси кўрсатганича фойдаланиб, шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётни тараккий килдириш учун кураш намуналарини берди. У эски адабиётимиздаги энг яхши традицияларни давом эттирди.

Навоийдан тортиб энг яхши ёзувчиларимиз томонидан қўрсатилган ва халк адабиётида ишланган қозилар, муфтилар, эшонлар образини қайтадан ишлади”¹.

Ҳамза, сўзсиз, истеъдодли адиб бўлган. Лекин унинг марксчалинича дунёкарашни дарҳол ўзлаштирганлиги; Октябр тўнтаришидан бурунок соцреализм методида асарлар яратганлиги, асарларида дин пешволарини аёвсиз фош этганлиги; ҳамиша эзилганлар томонини олганлиги... Ҳамза биографиясининг тўкилган “янгиликлари” эди. Ҳамза асарлари коммунистик мафкура нуқтаи назаридан танланди, таҳлил қилинди, таъмирланди. Айниқса, “Бой ила хизматчи” асари янги замон, янги адабиёт, соцреализм методи коидаларига мослаб кайта ёзилди. К.Яшин “Бой ила хизматчи”нинг таъмирланган биринчи варианти ҳакида тўхталиб ёзади: – “Шу тарика саҳнабоп биринчи вариант вужудга келди ва уни режиссёр Е.Бобожонов билан биргаликда кўриб чиқдик. Бироқ бу вариант режиссёрни кониқтирмади, Солиҳбой, Соғир, Жамила, Холмат, Ҳоким, элликбоши, имом, мингбоши, Сифатбуви, қози, пристав образлари бор, лекин Солиҳбой хонадонининг ҳаёти қўрсатилмаган, шуни очиб бермасангиз бўлмайди деб туриб олди.

Драмадаги Ҳожи она, Ҳонзода, Гулбаҳор, Раҳима хола, Мастон образлари... вужудга келди”². Адабиётшунос С.Мелиев “Бой ила хизматчи” ёки тикланган нусха муаммолари” (“Ёшлик” журнали, 1989 йил. №11, 69-72-бетлар) мақоласида бошка йўналиш - ўзбек адабиётшунослигидаги кучирмачилик (плагиат)ка дикқатни қаратади. Қарийб 50 йил давомида Ҳамза ижоди кенг ўргатилди, ўрганилди. Ҳамза номи нафақат шўро давлатида, балки кўплаб ривожланган мамлакатларнинг зиёли табакалари орасида танилди. Профессор Л.Қаюмовнинг Ҳамза ҳакидаги асарлари бир қанча хорижий тилларга таржима қилинди. Ҳамза ҳаёти ва ижоди бир қанча ҳалқаро анжуманларда ўрганилди, баҳс-тортишувларга сабаб бўлди. Шўро адабиётшунослари, табиийки, Ҳамзани марксчалинича дунёкараш, соцреализм методи талаблари остида бирёклама дунёга танитдилар. Хорижлик олимлар Ҳамза ижодининг марксча фалсафа, коммунистик мафкурага тўғри келмаган томонларини ёритдилар. XXI аср тонготарида холис фикр юритсан, шу нарса аён бўлаяптики, биринчидан, Ҳамза катта истеъдод соҳиби бўлган: катта-катта анжуманларнинг биронтасида ҳеч ким Ҳамзани истеъдодсиз демаган. Иккинчидан, ўзбек адабиёт-

¹ 15 йил ичиди Ўзбек совет адабиёти. Тўплам. –Т.: Ўздавнашр. 1939. –Б. 32-33.

² Коми Ҷинни. Даир опсия. /Совет Ўзбекистони. -1989, -5 март.

шунослиги, гарчи замонасозликка йўл кўйиб бўлса-да, Ҳамза ижодини ўрганиб, таргиб килиб тўгри йўл тутди: дунё ахли ўзбек халқининг бой адабиёти, жаҳоний тамаддунини англади, унга ижобий баҳо берди.

80-йиллардан бошлаб Ҳамза ҳаёти, ижодини ўрганишнинг янги даври бошланди. 1988-1989 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг беш томлик “Тўла асарлар тўплами” (Тошкент, “Фан” нашриёти) чоп этилди. Мазкур тўплам тиник кўзгу мисоли Ҳамзанинг ким эканлигини кўрсатди. Муҳими, Ҳамзани истеъодли адид бўлганлиги ҳакилаги фикр ортса ортдики камаймади. Олимлар Ҳамза ҳаётига янгича, кенг кўламда ёндаша бошладилар. Академик Б.Назаровнинг “Ҳамза абавияти” (Тошкент, “Фан” нашриёти, 1988), академик С.Мамажоновнинг “Барҳаёт Ҳамза” (“Фан” нашриёти, Тошкент, 1991), академик М.Қушжоновнинг “Ҳамза ижодининг эволюцияси” (рус тилида, Тошкент, F.Гулом номидаги нашриёт, 1989), Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари “Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари” (“Фан” нашриёти, 1988), “Фан” нашриёти Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Р.Иброҳимова сўзбошиси билан “Жадид адабиёти” рукни остида “Ҳамза” (“Фан” нашриёти, 1994) тўпламини чоп этиди. Проф. Қ.Йўлдошев «Кашф этиш эҳтиёжи» маколосида Ҳамзанинг Октябрь тўнтиришидан кейинги ҳаётидаги мураккабликларни кўрсатади-да, драматургнинг «Партия мажлиси» драмасидағи баъзи персонажлар характеристини ёритиб беришга харакат киласди: «Драмадаги Аҳмаджон исмли персонаж инқилобдан кейин кенг ёйилган одамга беписанд муносабат, инсон шахсини кадрсизлантириш, одамнинг ишини унинг ўзидан устун кўйиш сингари ҳолларни кинояномуз ифодалайди. Пъесада шахс эркини топташ, партиявий интизомни нодонларча татбиқ килиш ҳоллари ҳам кулгуга олинади. Персонажлардан бири ўта чанқагану ариқдан сув ичишга кўркади. Негаки, партмажлисда кайнатилмаган сув ичилмасин деб карор килинган ва карорни бузган киши «особий отдел» томонидан ҳибсга олинниши мумкин. Партия мажлисида, асосан, ўзбеклар катнашаётган бўлишига қарамай, биргина рус Михаилни раис, биргина татар Султонуфни котиб килиб сайлаш сингари ҳолларнинг тасвирланиши ҳам Ҳамзанинг бадиий нигохи фоят теран бўлганлигини кўрсатади»¹. Янги тузумнинг авра-астарини аниқ кўра олган, бадиий акс эттирган сиймони Шуро хукумати ардоклаши, унга кенг имкониятлар яратиб бериши мумкин эмас эди.

¹ «Ёшлиқ» журнали. -1990. -№ 9. -Б. 62.

Н.Каримов “Ҳамза Тошкентда” мақоласида мұхым бир муаммога күл уради. Шұро хукмронлиги йилларида Ҳамзаниң жадид ёзувчилари билан ҳамкорлиги, дұстона алоқаларини күрсатиб беришининг имкони бұлмади. Мазкур мақолада Ҳамза узвий боғылқ бўлган ижодкорлар, ижодий гурух, ижодий ҳамкорлик хусусида фикр юритилади: “Ҳамза Тошкентта келиши билан, қайд этилганидек, усули савтия мактабларининг бирида таҳсил кўриб, шу мактабдаги ўқитиш услубини эгаллаб олди. Ҳали маҳаллий театр тўдалари (труппалари) ташкил топмаган. Демак, Оврупо тарзидаги театр санъати ҳам пайдо бўлмаган бир пайтда Тошкентта гастролга келган рус ва татар театрларининг спектаклларига бориб, саҳна санъати билан танишди ва унга ихлос кўйди. “Рахимия” мактабида муаллимлик фаолиятини давом эттириш жараёнида 1908 йилнинг 11 декабридан бошлабоқ пир сифатида хурмат килиган ва этагини ушлаган Мунаввар кори билан тез-тез кўришиб, “миллий анжуман”ларда иштирок этди. Тошкентлик жадидларининг бу “миллий анжуманлар”ида бўлиб ўтган сұхбатлар, шеърхонликлар мустамлака шароитида яшаётган ҳалкнинг оғир иқтисодий ва маданий ахволи билан танишиш Ҳамза дунёқарашида кескин ўзгариш ясади. Шу даврдан бошлаб у ўз олдига Фарғона водийсида усули савтия мактабларини очиб, ҳалкни маърифатлаштириш вазифасини кўйди ва адабий фаолиятини ҳам худди шу ғояга бўйсундирди. Шоирнинг Тошкентда “охирги мұхабbat ила орттириди” ахбобнинг рўйхатида гарчанд Абдулла Авлонийнинг исми тилга олинмаган бўлса-да, у худди шу даврда атоқли маърифатпарварнинг “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” деб номланган тўплами билан танишди. Олти жуздан иборат бу тўпламнинг биринчи жузъи 1909 йилда, Ҳамза Тошкентдалик вактида чоп этилди. Шоирнинг кейинчалик “Миллий ашуулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” ва “Гул” тўпламлари Авлонийнинг зикр этилган китоблари таъсирида майдонга келди. Хуллас, Ҳамзаниң жадид мактаби ва жадид адабиётининг вакили сифатида туғилишида Тошкентдаги “Миллий анжуманлар” ва бошка учрашувлар мұхим аҳамиятга молик”¹.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 110 йиллиги араfasида профессор Л.Қаюмовнинг «Биз билмаган Ҳамза» мақоласи чоп этилди. Илмий фаолияти давомида, асосан, Ҳамза ижоди билан шуғулланган, аниқроғи, Ҳамза ижодини коммунистик мағкура асосида талкин қилган олим Ҳамза ҳәёти, ижоди ҳақида янги далил, маълумотларни келтиради. Муаллиф Ҳамзаниң ҳеч қачон атеист бўлмаганлигини,

¹ Киримов Н Ҳамза Тошкентда. //Тафаккур. –1999. -№ 3. –Б. 92.

мухит-шароит туфайли у «ўзлигидан, дўстлардан баҳраманд эмас»лигини таъкидлайди. Лазиз Қаюмов маколасидаги мана бу фикр диккатга сазовордир: «...аввалги илмий ишларда мавжуд Ҳамзани атеист, динсиз деб тақдим этиш барча динларга бирдек карши бўлган социалистик тузум сиёсатига ҳамзапуносликни ҳам хизмат эттиришга ури нишнинг бир кўриниши деб ҳисоблаймиз... Авваи айтганимиздек, шуро ҳокимияти йилларида ҳамзапуносликда, ҳеч шубҳасиз, ҳукмрон сиёсатга мослашиш ҳукм сурди. Шу фикрининг бир мисоли сифагида Ҳамзанинг Россияга муносабати ҳам факат ижобий мисол ва баҳоларда ёритилганини эслатиб ўтиш мумкин»¹.

1999 йилда Ҳамза таваллудининг 110 йиллиги иниониланди. Юбилей муносабати билан Ҳамза ҳаётни, ижодига онд кўпчиаб маколалар чоп этилди. Мазкур мақолаларда Ҳамза ҳаётни на ижодини хаққоний ёритиш ва баҳолаш тамоили етакчилик килди.

Ҳамза ҳаётни ва ижоди хақида ҳамон янги-янги тадқикотлар чоп этилмоқда. Профессор О.Шарафиддинов “Истибодод курбони” мақоласида нихоятда дадил, 90-йилларнинг бошларида ҳам айтилишига акл бовар килмайдиган фикрни илгари суради. Яъни, ўзбек шуро адабиётининг асосчиси сифатида авлодлар онгига сингдирилган Ҳамза шуро шоири бўлган эмасмиш. Олим ўз қарашларини бамайлихотир, фактларга, киёсларга асосланниб исботлайди. М.Булгаков, Б.Пастернак, А.Ахматова, М.Цветаева сингари ёзувчилар шуро замонида яшадилар, аммо социалистик реализм адабиёти намоёндаси бўла олмадилар.

“Дарҳақиқат, биз 20-йилларда рус адабиётида ҳам, бошқа миллий адабиётларда ҳам, ўзбек адабиётида ҳам кўпгина ёзувчиларни кўрамизки, улар шуро ҳудудида истиқомат қилган, шуро паспортига эга бўлган, шуро идораларида ишлаган бўлса-да, роман ва қиссалар, ҳикоя ва достонлар, шеърлар ва драмалар ёзган эса-да, “Шуро ёзувчиси” ёхуд “шуро шоири” бўлган эмас. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида С.Есенинни кўрсатиш мумкин. У, албатта, шуро фуқароси эди, лекин уни “Шуро шоири” деб атасак, анча-мунча ноҳақликка йўл кўйган бўламиш. Шу ахволни Ҳамза ижоди мисолида ҳам аниқ қўриш мумкин – ҳеч шубҳасиз, у шуро фуқароси бўлган. Шуро идораларида ишлаган. Уларнинг турли топшириқларини бажарган... Ҳамза, эҳтимол, шуро мағкурасининг қай бир жиҳатларига хайриҳоҳ ҳам бўлган-дир. 20-йилларнинг бошида унинг партияга кирганини шу билан изоҳласа бўлади. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси ҳали Ҳамзани “шуро

¹ Л.Қаюмов. Биз билмаган Ҳамза //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, –1999. -29 янв.

шоири” деб таърифлаш учун етарли эмас. Нега? Гап шундаки, ҳали инкилобий воқеалик ва революцион мағкура Ҳамза учун ижодий вокеликка, ижод фактига айланиб улгурган эмасди¹. Танқидчининг мана шу фикриёк Ҳамза ҳакида, унинг инкилобий ижоди тўғрисида битилган юзлаб мақолаларни йўкка чиқарди.

Таржимаи ҳол кай даражада ҳақоний эканлигини ёзувчи асарлари рўй-рост кўрсатади. Шўро даврида нафакат таржимаи ҳол сохташтирилди. Балки машҳур санъаткорлар асарлари ҳамиша “таҳрир килинди”, қайчиланди. Навоий, Бобур, Ойбек, Ҳамза, А.Қодирий сингари санъаткорлар асари зинҳор тўлиқ, асл ҳолида чоп этилмади. Навоий асарлари, масалан, деярли “бошсиз” – анъанавий кириш кисмисиз чоп этилди. 1989 йилдан бошлаб чоп этила бошлаган 20 жилдли Алишер Навоий мукаммал асарлари тўплами буюк санъаткор ҳакида яхлит, тўлиқ маълумот беради. XX асрда Навоий ҳаёти ва ижодини ёритишда ҳам не-не сохталик, сакталикларга йўл қўйилмади дейсиз! 20-30-йилларда Алишер Навоий ижоди ҳакида ҳар хил – паст-баланд, улуғловчи, инкор этувчи фикрлар айтилди. Шўро адабиётшунослигига бошланган вульгар социологизм тўфони Навоийни гоҳ у қирғокка, гоҳ бу қирғокка олиб бориб урди. Ҳар хил “изм”лар буюк Навоийга заррача ҳам зарар етказа олмади: олтин ўтда тобланганлиги мисоли Навоий асарлари ҳам сохта дунёқарашиб, соцреализм деб аталган ёлгон метод гирдобларида чиниди, ҳаётийлиги исботганди. 1938 йиллардан эътиборан А.Навоий ҳаёти ва ижодига муносабат шўро мағкурасида ижобий тусга кирди. Буюк санъаткор ижоди анча жиддий ўрганила бошланди. Лекин... Навоий муҳити, ҳолати, ижоди замонага, коммунистик мағкурага мослаб талкин этила бошланди. Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн “Ўзбек адабиёти” мақолаларида: “Навоий даврида ҳалқ устидан феодал эксплуатация ҳукмрон эди. Ҳалқ бу зулмга қарши кураш олиб борарди. Навоий ҳалкнинг шу орзу ва истакларини чуқур, ҳақоний акс эттириди,”² деб ёздилар. Проф. А.Саъдий “Алишер Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тараккиётининг юксак босқичи” номли докторлик диссертациясида О.Шарафиддинов, С.Хусайннинг юқоридаги, Навоий даври ҳакидаги карашларини янада “бойитди”. Чунончи, у Навоийни моддиёнчи, аниқроғи марксча моддиёнчи даражасига кўтариб кўйди. А.Саъдий А.Навоий дунёқарашиб ҳалқ кўзголонлари таъсирида шаклланганлигини дангал ёзиб юборди. А.Саъдий диссертациясига такриз

¹ Шарафиддинов О. Истибод курбони //Гафаккур. –2000. -№ 3. –Б. 75-76.

² 15 йил ичиди ўзбек союз адабиёти. Тўплам. –Т.: Ўздавнашр. 1939. –Б. 22.


ёзган донишманд Е.Э.Бертельс ишдаги замонасозлик унсурларини ётиғи билан танқид қилиб туриб, Навоий дунёкараши ҳақидаги “кашфиёт”га ўзининг кескин муносабатини билдиради. “Навоий дунёкараши халқ кўзголонлари таъсирида шаклланган бўлса, ундан йирик феодал – бой эмас, Инқилобчи етишган бўларди. Бу ўти бўргитирин ва модернлаштиришдир”¹. Алишер Навоий ҳақида 40-60-йиларда яратилган бадиий асарларда ҳам уни курашлар майдонида кўрсангиш, кўзголончиларга ҳамфир қилиб таснирланган тамойили стакчиллик киласи. Бу ҳол Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” драмасида аник кўринади. “Навоий” (Ойбек) романида ҳам асосий қаҳрамонни замонга монанд ўйсинда тасвирлаш унсури сезилади. “Мана, Навоий қандай буюк сиймо, лекин унга ҳам олим ва адиллар коммунистик мафкуранинг кўзи билан қарап эдилар, – дейди адабиётшунос И.Гафуров. “Мустақиллик одимлари” сұхбат маколасида. – Аксинча, Ойбек-дек қудратли истеъдод соҳиби Навоийни том маънодаги сиймо даражасида яратиб беришлари мумкин эди, У кишидаги иктидор ҳам билимлар ҳам бунга кодир эди. Лекин, барibir, охир-оқибат мафкуранинг чизигидан чиқиб кетолмаганлар”².

Сўнгги 20-30-йил ичида, айнисса, мустақиллик давридан эътиборан Навоий ижоди ҳакконий, илмий талқин қилиниб, асарлари мукаммал ҳолда нашр килинишига эришилмоқда.

Шўро ҳукмронлиги йилларида қийин-қийин истеъдодли, аклли, билимли санъаткорларга қийин бўлди. Масалан, Ойбек адабиёт майдонига янгиланаётган миллий анъаналар давомчиси, Чўлпон, Фитратлар издоши сифатида кириб келди. Аммо у Чўлпон изидан бориши, Фитратнинг илмий ўйсинига кўшилиши мумкин эмаслигини англади. Ойбек А.Қодирий асарларини ўз истеъдодидаги миллий асос ҳукми-ла севди. Лекин Ойбек олган марксистик билим Чўлпон, А.Қодирий, Фитратни кўллашга йўл кўймас эди. Ойбек ўз истаги, истеъоди ўйналишига зид бориб, Чўлпон, А.Қодирий ижоди ҳақида марксистик руҳдаги тадқиқотлар яратди. Ойбек Навоий ижодининг асоси, ўзаги нимада эканлигини теран англарди. Бу ҳол унинг Навоий ҳақидаги маколаларида кўринди. Лекин у Навоий ҳақидаги асарларида соцреализм андозаларига риоя килишга мажбур эди. Бошқача айтганда, Ойбек қалбида ҳамиша икки тўлқин кураши давом этди. Қалб кураши натижаси шу бўлдики, Ойбек кўнгли истаган йўлдан боролмади, замон, мафкура гапини айтишга мажбур бўлди. 60-йил-

¹ Бертельс Е.Э. Танланган тадқиқотлар. – М.: Наука, 1965. -Б: 455.

² Гафуров И. Мустақиллик одимлари. // Шарқ юлдумашини таъсирларни излабораторияси. – Ташкент: Узбекистон макалалари сарнади, 1994 № 12 – б. 13.



ларда Ойбек ўз шеърларида бўлмасин, илмий фаолиятида бўлмасин асл ўзлигини ифодалашга интилди. Ойбек таржимаи ҳолини ёзганда тазиклар, руҳий зиддиятлар уни жисман ногирон, руҳан аламзада килиб кўйганини кўрсатиш лозим.

Бундай руҳий-маънавий зиддиятлар F.Фулом, А.Қаххор, М.Шайхзода, Миртемир, X.Олимжонда бўлмаган дейсизми?! Ҳалки, юртини севгани, истеъдодли бўлгани учунгина отилган Чўлпону Элбеклар, Қодирий-ю Фитратлар, У.Носиру Ботулар руҳида қандай ҳолатлар кечди экан?!

Шўро мустабид тузуми даврида “Агар душман таслим бўлмаса, уни йўқ қиласилар” – деган шиор энг оммавий эди. Социалистик тузум миллион-миллион кишилар ҳаёти, тақдирини гоя учун курашга бўйсундирганди. Истеъдодлилик - ўзликни тасдиқлаш демакадир. Шўро давлати, унинг мағкураси ўзликни тасдиқлашни зинҳор истамаган эди. Шўро даврида истеъдодлилар ё таслим килинди, ё маҳв этилди. Сирли, ваҳимали идоралар рўйхатида туриш, камалиш шўро ҳукуматида одатий, сира ажабланилмайдиган ҳодиса эди. А.Қодирий “Мехробдан чаён” романи ёзилишидан сал олдинрок қамалди. М.Шайхзода ҳали 20 ёшга тўлмай туриб, 1927 йида Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан ҳибсга олинади. Тўхтасин Жалолов, Сайд Аҳмад, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Шукрулло сингарилар турли баҳонаи сабаблар билан 50-йилларнинг бошларида қамалдилар. Қамалиш, жамият ҳаётидан зўрлик билан ажратиб ташлаш инсон руҳига, ҳолатига қандай таъсири этишини тасаввур этиш қийин эмас. Руҳий ҳолатда ўчмас из колдирган ҳақорат, хўрлик санъаткор асарида акс этмаслиги зинҳор мумкин эмас. Чўлпон “Тагур кимдир” маколасида бундай ёзади: “Тагурга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда каттик бўлғон. Шунинг учун унинг асарларида “ўлим” тўғрисида кўп учратиладир. 1885 йилда хотини, ўғли ва кизи ўладир; 1905-нчи йилда кичик ўғли ва отаси ўладир. 1918 да яна бир кизи ўладир”¹.

Шўро ёзувчиларининг фожиаси яна шунда эдики, улар ўз ҳолларини, руҳий кайфиятларини очик-ойдин ифодалай олмас эдилар. Марксча-ленинча дунёкараш диалектик ўсиш-ўзгаришнигина тан олар эди. Яъни, “тараккиёт” деган сўз сиёсатда, иктисолда, илмда, ижодда-бадии адабиётда ҳамиша олға интилиш, ғалабадан ғалабага борииш маъносида кўлланарди. “Социализмнинг тараққиёти”, “иктисолдаги ютуклар”, “адабиётдаги ўсиш-ўзгариш”, “ёзувчи ижодидаги эволюцион тараққиёт” сингари бирикмалар шууримизга сингиб кет-

¹ Чўлпон Алабиёт нацур. –Т.: Чўлпон, 1993, -Б. 63.

ган эди. Бадий асар талкинида ҳам ижодкор руҳияти, асардаги бадий воситалардан кўра эволюцион тараккіёт қай даражада акс этганига эътибор қаратилар эди. Совет кишилари тушкунлик, инқиризга маҳкумлик капитализмтагина хос деб билар эдилар. Адабий танқид: “Совет ёзувчиси салкам фариншта: у ҳамиша олга интилади, ижтимоий-сиёсий, руҳий-маънаний, оилявий жабҳала ўзгаларга факат ўрнак бўлади, улиб бораётган капиталистик мафкурага карши ўт очади”, кабилида фикр юритарди.

“Ўзбек совет адабиёти тарихи” китобининг (1967 йил) 1-жилдидан жой олган “Абдулла Қодирий” танқидий-биографик очерк, 1977 йилда чоп этилган “Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси” рисоласининг муаллифи Иброҳим Мирзаев “Ўткан кунлар”дан сунг “Мехробдан чаёни”нинг юзага келгунига кадар ўтган киска даврни “Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюциясида ўзига хос бир боскич»¹ деб қарайди. Чиндан ҳам, икки романнинг яратилиши оралиғидаги муддат А.Қодирий тақдирида, руҳий ҳолатида чукур из колдири. Ёзувчи буюк дея қўкларга кўтарилган Октябрь инқилобининг асл моҳиятини англай бошлади. “Мехробдан чаён”ни синчиклаб ўқиган китобхон ёзувчи ҳолатидаги ўзгаришларни сезмаслиги мумкин эмас. Иброҳим Мирзаев бўлса, икки роман оралиғидаги социалистик воқелик тез суръатлар ила тасдиқлана борганлиги-ю, совет санъати ва адабиёти ривожланганлиги, Абдулла Қодирий, киска муддат ичida бўлса-да, Москвадаги В. Брюсов номидаги олий курсда таҳсил кўриб, карашларида ижобий ўзгаришлар ясалганлиги хусусида ёzáди. И.Мирзаев, бошка тадқиқотчилар ҳам, А.Қодирий “Мехробдан чаён”-ни ёзгунча “Масков хатлари” (1925), “Йигинди гаплар” (1926) маколаларини битганини, 1926 йилда ёзувчининг сирли камалганлигини, судда сўзлаган нутқини четлаб ўтадилар. “Мехробдан чаён”ни яратишга киришишдан аввал ёзувчи инқилобий ҳаётдаги жумбокларни англади, буйруқбоз-тўрачиллик асорати илдиз отаётганлигини, тили билан дили бошқа одамларнинг бошқарувда етакчилик кила бошлаганлигини ич-ичидан хис киради. Ёзувчи ҳолатида рўй берган ўзгаришлар “Мехробдан чаён”да ўз аксини топди. Романда инсон эрки поймол этилган тузум тасвиrlанган, имонсизларнинг кўпгина образлари яратилган экан, ёзувчи маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни ҳам назарда тутди. Инқилоб туфайли меҳроб чаёнлари зумда ўзгариб колди дейсизми? Инсон табиати жуда се-кинлик билан ўзгарамади. Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфтилар сал-

¹ Мирзаев И. Абдулла Қодирий ижодий эволюцияси. Т. Фан, 1997 йил. Б 77

лалариничувалаштириб, Шаҳидбек, Фози эшонлар мешдай коринла-
рини силкиллатиб, Гулшанлар эшилиб-буралиб инкилобий ҳаётга қа-
дам кўйдилар, янги турмушга мослашдилар.

«Мехробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, битилган даврининг
ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ундаги камчиликларни сатрлар орасига
моҳирона жо эта олган санъат асари намунасиdir. Абдулла Қодирий
инсон руҳини, табиатини, улуғлигини, ожизликларини чукур англар-
ди. У шуни яхши билардики, инсон табиатини ўзgartириш игна билан
кудук қазишдай мураккаб, узоқ муддат талаб этадиган ишdir.

М.Шайхзоданинг 1927 йил июль ойида ОГПУ томонидан,¹
Абдулла Қаххорнинг 1931 йил 25 апрелда ДХК томонидан² камоққа
олингланлиги, маълум муддатдан сўнг ҳибсдан озод қилингланлиги
ёзилади. Давлат хавфсизлиги қўмитаси ўзининг собик маҳкумларини
канчалик унутмаган бўлса, Сиёсий бошкармада сўрок берганлар ҳам
тақдирларидаги қора кунни сира унутмайдилар.

Айникса, ижодкор ахли қалбида чандик колдирган ходисани
унутиши мумкин эмас эди. Демокчимизки, тузум қийноғига учраган
санъаткор қалб ярасини зинҳор унутмайди: уни барибир қайсиdir
йўсинда акс эттиради. Шўро даврида азоб чеккан санъаткорлар аса-
рини талқин қилганда масаланинг шу томонини унутмаслигимиз ло-
зим. Кези келди, таъкидлаб ўтay. Туркия фукароси Ҳусайн Барган
“Жаҳон адабиёти” журналининг 2000 йил, феврал сонида “Мақсад
Шайхзода” номли биографик тадқикотини ёълон қилди. Асар, баъзи
фактик чалкашликларни хисобга олмагандан, Мақсад Шайхзоданинг
мураккаб ҳаёт йўли ҳаққоний тасвирланган жиддий ижодий портрет
бўлиб қолади.

Шўро даврида яшаган аксарият санъаткорларнинг шахсий
ҳаёти, ҳақиқий таржимаи ҳоли билан расмий ҳужжатлараро мослик
йўқ. Faafur Fулом ёшлигига ниҳоятда қийналганлиги, дурустrok илм
ололмаганлиги кўпчилик биографик мақолаларда ёзилади. Faafur
Fулом асарларини ўқиган одамда ғалати холат пайдо бўлади: наҳотки,
дурустrok билим олмаган одам шу даражада сермулоҳаза, комусий
билим, кувваи ҳофизага эга бўлса.

F.Фуломнинг 90 йиллиги муносабати билан ёълон қилинган
материалларнинг (Муҳаррам Fуломова “Baфодай узун йўл” //“ЎзАС”,
1993 йил 7 май; В.Рўзиматов “Нодири даврон инсон” //“ЎзАС”
газетаси, 1993 йил, 7 май) гувохлик беришича, академик шоиримиз

¹ Каrimov I. Булатли баҳор. //Шарқ юлдузи, -1994, № 1-2.

² Унокон Ҳ. на Турсунов И. Бу мухитдан тўйдим. //Ҳаёт ва иктисад, -1992. № 11, -Б. 65.

Барокхон мадрасасида таълим олгап, мударрис Саидаҳор Махсумдан форсийдан сабок тинглаган экан.

Шўро даврида яратилган илмий адабиёт, дарслекларда А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбеклири Гафур Гулом, Гайратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳорга зид кўйини тамойили мавжуд эди. Сўнгги 5-10 йил ичида пайдо бўлаётган хотирилар, сұхбатлар шуни кўрсатмоқдаки, Чўлпон ва F.Гулом ўзаро ака-укалай бўлингани. Чўлпон ўзининг ёш дўстларини ҳамиша кўллаб-кунватлаган. Изват Султон Фигратнинг аспиранти бўлган.

Ойбек, Ҳамид Сулаймонларнинг Абдулла Қодирий билан муносабати ўта беғубор кечган. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Ойбек, Миртемир, Уйгун, Яшин, Сайд Аҳмад, Ҳамил Гулом, Шуҳрат, Рамз Бобоҷонлар ҳам аслида ўзига тўқ, ок-корани таниғин оиласида туғилиб тарбия топганлар.

Сайд Аҳмад ота-бобоси ҳакида бундай хикоя қиласди: “Мен яшаган оила, мен дунёга келган хонадон, умуман, адабиётга, маданиятга яқин оила эди. Масалан, бобом Дадаҳўжабой Тошкентда 2 та рус-тузем мактабини очганлар. Бу даргоҳда жуда пухта билим бериларди, шекилли, кейинрок 20-30-йилларда масъул лавозимда ишлаган кишиларнинг ҳаммаси шу мактабни битиргандилар. Дадам Ҳусанхўжа ҳам шу мактабда таҳсил олганлар. Улар рус тилини ниҳоятда мукаммал билганлар. Үрисча ёзган хатларида биронта хато бўлмасди.

Бобом Дадаҳўжабой Чорсудан то Самарқанд дарвозагача таҳминан 8 км йўлга ўз хисобларидан тош тердиргандилар... Яна бир бобом, онамнинг отаси Ғуломхон кози Тахтапул даҳасиннинг қозиси эдилар. Раҳматли жуда саводхон эдилар.

Бундан ташкири у кишининг матбааси бўлган. Тошбосма. Бу ерда Қуръон босилган. Менда 1334 хижрий (1914 милодий) йилда босилган шу Қуръондан биттаси бор. Үнга “Ғулом Расул Ҳўжа Ҳалафий” деб кози бувамнинг муҳрлари босилган”¹.

Хуллас, бадиий асар – ёзувчининг ботиний ҳолати кўзгуси. Бадиий асарни англаш, талқин қилиш, баҳолашда ёзувчи таржимаи ҳоли бекиёс аҳамиятга эга. Ҳаккений ёзилган таржимаи ҳол бадиий матн руҳини, моҳиятини очицда бебаҳо манбадир. Тийрак талкинчи асар орқали ёзувчи ҳолати ҳакида кўп нарсаларни сўзлаб беради.

¹ Сайд Аҳмад. Давр шиддатли, бешафкат. //Шарқ юлдузи, -1993, №5-6. – б. 114.

БАДИЙ АСАРГА ТАРИХИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

Инсон хотираси – мұйжиза: тинимсиз ишлайди, янгиликтарни узлуксиз қабул қиласы, саралайды. Хотиранинг ғаройиблиги шундаки, у номухим, үткінчи вазифасини үтаб бўлган воеа-ходисаларни, маълумотларни, муносабатларни унугтади. Унутиш – янгиликка йўл очиш, мангу хотираларни излаш йўлидаги имконият. Коинот – мангу, сайёralар – собит деймиз, ўзимизни шунга кўнигирамиз. Олами кабирдаги мангуликларга ишонганимиздай, олами сағирдаги мангу, унутилмас қадриятларни муқаддас биламиз, уларнинг ўчмас бўлиб муҳрланишига ҳаракат қиласиз. Жаҳон адабиётидаги «шоҳ асарлар», «мангу руҳоний бойлик» мақомини олган қадриятлар борки, ҳар бир миллат, ҳар бир замон кишиси улардан бир нечтасини дарҳол айтиб беради. XX аср кишиси қайси шоҳ асарларни, мангу қадриятларни тутилмасдан, дона-дона айтиб бериши кундай равшан. Изоҳ лозимки, ҳар бир миллат, диндош ўзига, руҳига, менталитетига қадрдан асарларни биринчи бўлиб айтади.

Шарқ мусулмон дунёсида ўзбекнинг ўз ўрни, илмий-эстетик салоҳияти, зурафолик даражаси кўзга дарҳол ташланади. XXI асрга қадам қўйган ахли идрок ўзбек жаҳон адабиётининг ўлмас асарларини юксак қадрлайди. Айни вақтда зиёли, нафис дидли ўзбекнинг мангу асарларни белгилашда ўз ўйсини, тартиботи бўр. Ўзбекнинг гўзалликка, бадиийлик оламига муносабатини Алишер Навоий ижодига бўлган юксак эътиқодисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбекнинг руҳоний оламида Навоий асарлари мисли қуёш, зиё, гўзалликнинг доимий манбаи.

XX-асрнинг 70-йилларида А.Навоий ижоди ҳакида талайгина асарлар яратилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан яратилган беш томлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг иккинчи томи (30 босма табок) тўлалигича Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига багишлианди. Олимлар Навоий яшаган ижтимоий мухитни, шоир лирикасини, достонларини, илмий-назарий, биографик асарларини жиддий таҳлил этдилар. Бу аср Навоий маҳоратини, буюк истеъододини конкрет таҳлиллар мисолида кўрсатса-да, мутахассисларга, филология билан маҳсус шуғулланувчиларга мўлжалашганланглиги сезилиб туради. “Муфрадот”, “Муҳокаматул – лутигитийн” асарлари арузнинг вазн, руҳи, схемалари ҳакидаги мuloҳазилар, табиийки, мутахассислар диккагини жалб қиласы.

мовнинг “Фарҳод ва Ширин” сирлари” (1979), “Садди Искандарий” (1975) сингари рисолалари шоҳ асарлар талқинига мисол бўлади. Биз Алишер Навоий достонларидан шарчалар ўқишига, айрим ҳикоялар хусусидаги карашларни ўзлаштиришига ўрганинг эвлик. Ойбек, И. Султонов, В. Зохидов, А. Каюмов, А. Ҳайитметов, А. Абдулгафуров сингари олимлар Навоий асарларини чукур ўзлаштирган, улар ҳакида аниқ концепцияга эга бўлган ҳолда бъязи асарларни талқин килишга киришдилар. Азиз Каюмовнинг Навоий достоилари ҳакидағи рисолалари китобхон учун ниҳоятда тансик. Танқидчи шоҳ асарларни ўз даврининг талаб ва эҳтиёжлари нуктаи назаридан таҳлил киради: асардаги шу кун учун муҳим бўлган муаммоларга диккатни қаратали. Бу жиҳатдан Азиз Каюмовнинг “Алишер Навоий” номли биографик асари диккатга сазовор. “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумида чоп этилган бу асар “Ёш гвардия” нашриётида 1976 йилида чоп этилди. Бу асар кўпроқ ёш китобхонларга мўлжалланганилиги сезилиб туради. Муаллиф Навоий ҳаёти ва ижоди ҳакида кизиқарли, оммабоп ҳикоя килиш йўлини танлайди. “Алишер Навоий” кенг китобхонлар оммаси диккатини жалб киради.

Профессор Азиз Каюмов 80-90-йилларда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Фурқат ҳакида биографик асарлар яратди: ҳалқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти хусусида кенг китобхонлар оммасига зарур материаллар берди. Илмий техника тараккиёти, информация-глобаллашув жараёни тобора авж олаётган ҳозирги пайтда ўрга асрларда яшаган, фан ривожига бебаҳо ҳисса кўшган алломалар ҳакида ёзиш зарур эди. Бошқача айтганда, илм-фанинг юксак даражада ривожланишига Беруний, Ибн Синолар муносиб ҳисса кўшганлар. Байналмилаллик, ҳалқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда Фурқат сингари санъаткор ҳакида ёзиш, улар асарларини кенг тарғиб этиш зарур эди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошлиб ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳакида кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, ҳозирги адабий жараён билан узвий боғланиб кетадиган мақола, бадиа, рисолалар яратилмоқда. Адабий танқид кенг китобхонлар оммаси руҳиятидаги ўзгаришларни, адабий-эстетик талабларни нозик ҳис этади. Ҳалқда мумтоз адабиётининг етук санъаткорлари ҳаёти ва ижодини, шоҳ асарлардаги ўлмас ғояларни англаб етишга кизикиш кучайган. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган “Қаро кўзим”, “Жонизоримни”, “Айлагач...”, “Куйида ийғлар эдим...”,

“Шифон васл қадрин...” (Фузулий), “Жамолинг соғиниб...” (Бобур), “Ўргар” (Машраб) сингари кўшикларни жон қулоғи билан тингла-майдиган ўзбекни учратиш амримаҳол. Сўнгти йилларда мазкур кўшикларнинг матни, улардаги гоявий-бадиий гўзалликларга қизикиш ортди. Газета ва журналлар “Бир кўшик (газал) талкини” рукнини очдилар. Эркин Воҳидов Алишер Навоийнинг бир неча ғазалларини нозик, теран талкин килиб берди. Комил ишонч билан айтиш мум-кинки, гўзалликни ҳис килувчи барча кишилар бу талкинларни тўла уқиб олди. “Ёшлик” журналида Алишер Навоийнинг “Қаро кўзим” (1987 йил, 2-сон), “Ҳар лабинг...” (1987 йил 6-сон), “Каманд учига еткурмас...” (1987 йил, 7-сон) ғазалларининг Нажмиддин Комилов томонидан килинган талкини берилди. Мазкур талкинлар Навоийнинг буюк санъаткор эканлигини аник-равшан кўрсатди. Ҳар бир ғазал бадиийликнинг юксак намунаси, пурмайно хазина, мисоли. Мазкур талкинларда Навоийнинг дунёкараши, бадиий маҳорати узвий бирлиқда, боғликлиқда акс эттирилди. Шоҳ асарларнинг бош фазилати шундаки, уларда маъно кат-кат бўлади. Ижодкор маҳорати шунда кўринадики, у маъноларни, ўлмас гояларни сиқик сатрларга, мўъжаз ғазалга жо кила олади. Талкинлар шуни исботладики, Навоий ғазалларининг ҳар бир мисраси шунчалик пухта, зички, уларга нарвон кўйиб “пастга тушиб”, маънолар катламини бир-бир ўрганиш мумкин. Н.Комилов талкинларида синчиклаб таҳлил килиш (микроанализ) кўзга аниқ ташланади. Ғазал – маъноси кенг, сиқик бир дунё. Талкинчи бу дунёдаги ҳар бир белги, нуктага синчиклаб назар солсан гина маънолар оламини камраб ола билади.

Мунакқид – жонли адабий-тарихий жараённинг фаол иштирокчили, аникроғи, уфқи кенг йўналишларга йўл очувчи, адабий ҳарадаги вазиятни синчиклаб кузатиб борувчи. Айни вактда мунакқид адабиёт тарихидаги машҳур санъаткор, ўлмас асарнинг доимий мухлиси бўлиши мумкин. Иброҳим Ғафуровнинг “Ўттиз йил изҳори” тўпламидан Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” достонлари ҳақидаги мақолалар ўрин олган. Мазкур мақолалар тарихий-функционал ўрганишга ёркин мисол бўла олади. Мунакқид “Хамса”ни бугунги китобхон тушунчаси, карашлари нуктаги назаридан баҳолайди. Сир эмас, диди шаклланаётган ёш ўкувчи-китобхонлар “Хамса”даги достонлар ҳаҳрамонлари руҳиятида рўй беравётган жараён, ҳолатларни ҳазм килолмайдилар. Иброҳим Ғафуров “Лайли ва Мажнун” достони ҳақидаги мақоласини ота ва ўғил ўргасидаги адабий сұхбат тарзида курган. Ўғилнинг “Ота, нега Қайс

тез-тез ҳушидан көгіб қолаверади? Одам шунчака күп ҳушидан кетиши мүмкінми? Мен ҳеч ҳушидан кеттегі одамларни күрмаганман. Айтинг, нега шундай?” – деган саволини “Лайли ва Мажнун” достони мавзусида дарс үтадиган үкітувчи доим үкуйчидан шытады. Афуски, аксарайт үкітувчи үківчини қониктирицідігін жаңоб бермейді. Иброхім Faфуров үғил саволига жавоб берған: достон мөхиятидаги тояни ифода. этган. Лекин, очиғи, үтилға берілген жаңоб мени қониктирумайды. Эхтимол мұнакқид ошиқ қашблы инсон ҳақида кенгрок, Навоий қараашлари асосида жавоб берғани маъқулроқ бўлши миди? Балки инсон туйғуларида асрлар оша ўзғарин ёлғанини бўлганилиги, илмий-техника тараккиёти кишиларни сертүйғу эмас, ақлни, ўти уддабурон қилиб қўяётгани ҳақида тўхталиш лозиммиди? Ҳар холда ўғлиниң лўнда, шу куннинг руҳи тўла акс этган саволи етарли, қониктирали жавобга эга бўлмайди.

Иброхім Faфуров Навоий “Хамса”си ҳақидаги мақолаларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олади. Инсон ўзғарib кетди. Янги одам пайдо бўлди. Янгича қараашлар инсон борлигини қамраб олди, деб лоф урамиз. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, инсон руҳияти, абадий тушунчаларга муносабати унча ҳам ўзғарib кетгани йўқ. Шоирнинг маломат тоши мұнакқидга отилганига ҳамиша қойил қоламан.

*Эй мұнәққид, сен газални
Кўхна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодин
Колган инсон қонида*

(Эркин Воҳидов)

Инсон қонида мавжуд, ҳали узоқ-узок умр кўрадиган фазилату қусурлар талайгина. Абдулла Орипов “Ижоднинг безовта онлари” сұхбат-маколасида куйидагиларни ёзди: “Агар мен Данте билан сұхбатдош бўлиб қолсан нима ҳақида гаплашшар эдим? У менга энг яхши замондош бўларди. Асар бундан олти юз эллик йил бурун ёзилган. Шундан бери одамлар ўзгармабди. Аксинча, иллатлар кучайибди. Дантедан пораҳўрлар, ўтирилар, ҳасадгўйлар, лаганбардорлар ва ҳоказо-ҳоказолар кўркиб келадилар. Шунинг учун ҳам унинг бу асари доим актуал”¹. Бундан роппа роса минг йил муқаддам Шоми Шарифда Абдул Аъло ал-Мааррий (973-1057) деган шоир жўшиб ижод киласади. Унинг шеърларида разолатдан, фиск-фужур,

¹ Орипов А. Ижоднинг безовта онлари //Ўзбек тили ва адабиёти, 1987 йил, № 4. –Б.76.

ғийбат-хиёнатдан нолиш туйғулари акс этган. Шу шоир ҳақида умрининг кариб 60 йилини муҳожирликда ўтказган Аветик Исаакян (1875-1957) етти сурга (боб)дан иборат достон ёзган. “Абул-Аъла ал-Мааррий” (1909-1911) достонида асосан ал-Мааррийнинг ўз асарлари асос килиб олинган. Шоир кўп шеърларида одамларнинг тубанликларидан, соткинликларидан шикоят қилган: у жамодот, наботот, ҳатто ҳайвонот оламини инсонлар тўдасидан аъло деб билган. А.Исаакян достонида хусусан мана бундай мисралар бор:

*Товланиб инсон тили ёлғонни пинҳон этди, бас,
Этди пинҳон, бўлмади ҳақгўй ҳатто бир нафас.
Талпин, эй карвон, илдамроқ биёбонлар томон,
То топай мисдай қизиб ётган тозу тошдан макон.
О, илон ин қўйса майли, унда чайламга бироқ,
Менга бас, инсон зотидан дайр аро бўлсан ийроқ.
Учраса у дўст булиб очгай менга бағрин яна,
Сеҳрлаб ёлғон шта, сочгай бўса заҳрин яна.*

А.Исаакян достони кўплаб ҳалклар тилларига таржима қилинган. Уни рус тилига Валерий Брюсов, Павел Антокольский ўгирган. Достонни ўзбек тилига шоир А.Мухтор таржима қилган. Мазкур таржима ҳақида М.Махмудов мақола ёзиб, “Ахли дил” китобига киритган. Ажаб, ал-Мааррий минг йил муқаддам одамларнинг ёвузликларидан шикоят қилган. Абул-Аълондан роппа-роса 900 йил кейин вафот этган А.Исаакян араб шоирининг инсонлардан нолиб ёзган шеърларини достонига асос килиб олди. Хўш, А.Исаакян достонини ўзбекчага таржима қилган, XXI асрга бир баҳягини қолганида вафот этган Аскад Мухтор дўстлардан ёлчиидими, одамлар унинг хурматини ўрнига кўйдиларми? Ёзувчи Хайдариддин Султонов Аскад Мухтор ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида куйидагиларни ёзади.: “Ёдимда, икки-уч марта раҳматли устозимизни туғилган кунларида – 22 декабрь куни Хадра ортидаги сокин, осуда уйларига йўқлаб бордик.

Бир сафар кириб борсак, касаллик қатиқ хуруж қилиб, кийналиб ётган эканлар. Лекин шунда ҳам истикболимизга пешвоз чиқишига қанчалик уринганлари асло эсимдан чикмайди.

Домланинг вафодор умр йўлдоши Роза опа, фарзандлари жам бўлиб, устозни шифохонага олиб кетиш ҳаракатида эдилар.

Ўша йили домла “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эдилар. Биз у кишини юксак мукофот билан табриклаган бўлдик. Шунда, ҳеч эсимдан чикмайди, Аскад ака маъюс жилмайиб, ниҳоятда

кыйинчилик билан икки-уч сўзни шивирлаб айтдилар, яъни: “Ха-а... Дўстлик бор, дўстлар йўқ”, ледилар¹. Таажжуб, кадимла ҳам, ҳозир ҳам ахли дониш беоқибатлик, бемуруватлик, бемеҳрликдан, дўстнинг хиёнатидан “дод” деб ўтганлар. Одам табиатининг ўзгариши кийин кечар экан-да...

Иброҳим Фафуров “Ҳамса” достонлари ҳакидаги мақолаларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олган. Навоий билан замонамизни, замондошларимизни улайдиган якин йўлни ташлайди. Мунаққид инсон табиатидаги фазилатларнинг Навоий томонидан топиб-топиб тасвирланганига диккатни жалб килади. Фарҳоднинг муруватлари ҳакида фикр юритар экан, Навоий қаҳрамони билан илгор замондошимизаро якин боғликлекни кўради. “Фарҳод ўзи эришган ва биз йигирманчи аср одамларига ҳам ибрат-фазилатлари билан гоятда марокли қаҳрамондир... Фарҳод ишкнинг абадий, сўнмас тирик алангаси, Ширин эса, шу алантанинг қизил гунчасидир.

Не баҳтки, улар бизга, адабиётимизга XX асрда ҳамон фусункор шуълаларини ёғдириб турадилар. Шуъла умри барбод бўлмагай”².

“Дунё кезувчиларнинг доноликлари” мақоласи “Сабъаи сайёр” достонига бағишланган. Муаллиф мазкур достонда Навоийнинг даҳо санъаткорлигининг ёркин намоён бўлганлигини ёзади. Буюк Навоий коинот, мангу ҳаракат, адабий зиддиятлар ҳакида, Низомий Дехлавий достонлари тўғрисида, ўзининг достон яратишлаги максадлари хусусида ёзади. И.Фафуров Навоий достонларида учраган, “Сабъаи сайёр”да кўзга аник ташланган Хизрваш пир образини ажойиб талкин қиласди. Хизрваш пир – Навоийнинг генийси. Санъаткорлик даҳоси Навоийни улуғлайди, уни сеҳрли бадиият осмонига олиб чикади. Навоий Хизрваш пир билан ҳаёт ва ижоддаги устози образини бирбирига улаб юборади. Навоий ўз достони билан Низомий ва Дехлавий достонлариро фаркни исботлайди. Достонда Баҳром Гўр характеристи асосий ўринни эгаллади. Иброҳим Фафуров Баҳром образининг адабиётдаги генезиси хусусида гап очади. Баҳром характеристидаги хусусиятлар, мураккабликлар ҳакида гапиргач, “Навоий... Баҳромнинг... ишк изтиробларини тасвирлашга, ишкнинг айрилиқ азобини ёритишга каратади... Навоий учун ҳиссий-эмоционал кечинмаларни тасвирлаш, уларни оқим тарзида ифодалаш биринчи даражали аҳамият касб этади”³, – деб ёзади муаллиф. Баҳром характеристини

¹ Тафаккур. -1999 йил, № 2. -Б.20.

² И.Фафуров. Ўтиз йил изхори. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1987. -Б. 38.

³ И.Фафуров. Ўттиз йил изхори. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1987. -Б. 49

ёритиб бериш танқидчининг мақсадига айланади. Баҳромнинг етти саройда етти мусоғирдан тинглаган ҳикоясида ҳам асосий мақсад диккатдан қочмайди. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари характер ичра образлар, олам ичра оламлар сифатида намоён бўлади. Характер таҳлили Баҳром устидан чиқарилган қуидаги хукм билан якунланади: “Баҳром ҳәётининг сўнгги дамларида ер юзини оҳулар ва қулонлар, тирик маҳлукларнинг конига ботирди. Навоий ер юзини конга ботириш картинасини бутун машъумлиги билан чизади. Улуғ символ яратади. Ўз даври одамларини ҳам, келажак наслларни ҳам огоҳ, ҳушёр бўлишга даъват этади. Унинг назаридаги кон тўкувчи голиб эмас, кон тўкувчи – конга ботувчи, кон ботқоғида дом-дараксиз гойиб бўлувчидир”.¹ ИброҳимFaфуров Навоий санъатига маҳлиё бўлиб, достонни, қаҳрамонлар характерини таҳлил килаётган эди. Қарангки, мунакқид кутилмагандаги Баҳром образи хусусидаги гапни бизнинг ҳозирги замонга буради. Ҳаёлимиздан “Қиёмат” (Ч.Айтматов) романидаги тўс-тўполон-сайғокларнинг кирилиши, Авдийнинг қийнаб ўлдирилиши ўтади. Жаҳоннинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш, ёвузликлар; одамларнинг силласини қуритаётган турфа хил террорчиликлар ёдимиизга тушади. Шоҳ асарларнинг янги замон, авлодларга хизмати деганда ҳудди мана шуни назарда тутамиз. Ўлмас асарларнинг янги замонлар муаммолари билан боғланиб кетиши – уларнинг ижтимоий-эстетик функциясидир.

Иброҳим Faфуров Навоий достонларини, Фарҳод, Баҳром образларини шундай таҳлил киласиди, китобхон ҳаёлидан ҳозирги кун масалалари, замондошлиларимизнинг мукаммал киёфаси ўтиб туради. Афуски, Навоий достонларининг етук қаҳрамонлари талкин қилинган маколалар шаклида номукаммаллик сезилади. Иброҳим Faфуров Навоий асарларида шакл ва мундарижа мутаносиблиги ҳақида берилиб ёзди-ю, ўзи ёзган маколалари шаклига етарли эътибор бермайди. “Фарҳод ва Ширин” ҳақидаги фикрларни битта маколага жойлаш мумкин эди. “Сабъаи сайёр” достони ҳақидаги макола муаллиф фикрларини “сифдира” олмайди. Баҳромнинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари тинглаган ҳикоялари ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмайди. Гал ҳикоялар мазмуни, таҳлилида эмас, албатта. Иброҳим Faфуров ҳикоялар воситасида Баҳром характерини ёритади. Сўнгги уч кеча ҳикояси, агар муносиб жанр танланганда, Баҳром характерининг яна бир қатор хусусиятларини ёритган бўларди.

¹ И.Гифуров. Уттиз йил изкори. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1987. -Б.55-56.

Алишер Навоий асарлари бизнинг замонамизга, келажак авлодларга яна ҳам унумлироқ таъсир этмоғи учун нималарга эътибор бериш керак? Бу ҳақда адабиётшунослигимизнинг икки ёш вакили сўзларига кулок тутайлик: “Навоий ижоди қадимги Шарқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетган. Ҳўш, қадимги Шарқ фалсафасини ўрганмасдан туриб Навоий қарашларини тушунишимиз мумкинми? Йўқ, албатта. Навоий осмондан тушмаган. У ўша фалсафа заминида ўсиб вояга етган. Шарқ фалсафий тафаккурининг энг илгор йўналишларини ижодий ривожлантирган, бойитган. Буни англамасак, “Навоий бехад буюқ”дан нарига ўтолмаймиз”¹ (Мусурмон Номозов). “Давр ва ижодкор фалсафасини билмай туриб, маданий мероснинг магиз-магазинча англаш мумкин эмас. Биз тарихни яхши билмаймиз, жумладан халкимиз мураккаб тарихий тараққиётта эга эканлигини ҳар доим ҳам тўлиқ ҳис этавермаймиз. Тўлиқсиз тасаввур тарихий шахсларга бўлган ёндашувимизни ҳам кемтик килиб кўяди. Биз умуман, ўзбек классик адабиётининг ўзига хос хусусиятларини атрофлича билмаймиз. Рамзлар, қаҳрамонлар, Шарқ афсоналарисиз Навоийни ҳам чукур билиб бўлмайди”² (Афтондил Эркинов).

Ўзбек мумтоз адабиётида ўлмас санъаткорлар, шоҳ асарлар кўп. Лекин машҳур санъаткорлар ижоди, мангу асарлар ҳар хил баҳона-ю сабаблар билан ўрганилмади. Тараккиётнинг шундай палласига кутарилдики, халкнинг ижтимоий-эстетик тушунчаси шунчалик ўсдики, ўтмишда яратилган буюқ асарларни ҳозир бемалол чоп этишимиз мумкин. Халқ, китобхонлар оммаси ўша асарлардаги ўзига зарур, замона зайлига мос томонларни бемалол ажратса ола билади. Адабиёт-шуннос, танқидчиларимиз машҳур санъаткорлар, етук асарларни шу кун талаблари эҳтиёжлари асосида таҳлилу талқин қилиб бера оладилар. Бегали Қосимовнинг “Излай-излай топганим”, Нажмиддин Комиловнинг “Тафаккур карвонлари”, Фозила Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” асарлари адабиётшуносликка доир тадқикотлардир. Лекин уларда масалаларни ҳозирги кун талаблари, замон ва замондошлар тушунчаси, қарашлари асосида ёритиш тамойили кучли. Бошкacha айтганда, мазкур тадқикотларда улуғ санъаткорларнинг XX аср охириларидағи эътибори, шоҳ асарларнинг ҳозирги авлод маънавиятига таъсири масаласи алоҳида маъно қатламини белгилайди. Гоҳо шундай бўладики, ўтмишда яратилган биронта шеър ёхуд достонни ўқиб, ўз замонамиз хусусиятларини очик-ойдин кўраётгандай, ўтмиш-

¹ Ёшлиқ. –1988. № 2. –Б. 72-74.

² Ёшлиқ. –1988. № 2. –Б. 72-74.

да ҳам яхшилик ва разолат, қувонч ва қайғу худди бизнинг кунлари-миздай ёнма-ён юрганини сезамиз. Мұҳаммадали Қўшмоковнинг “Зоти қулзум Турди” (“Шарқ ўлдузи” журнали, 1987, 12-сон) бадиаси турғунлик йиллари деб номланаётган боскич тугалланиши билан яратилиши, “Субҳонкулихон...” асарида хон, унинг куллари, амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлок қүшбегининг инок булиши; Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий мухаммас ёзгани, достоннинг нозик таҳлил қилиниши кишини ром этади. Замондошимиз онгини эгаллаб бораётган янгича тафаккур кечаги ҳаётга, бюрократик муносабатлар илдиз отиб кетган бошқарув усулига қарши бош кўтармокда. Қарангки, М.Қўшмоқов Турди достонини таҳлил қилиш орқали “Оlamни сел агар тутса, баландdir жойим”, “Арк ичи маҳкам эди, айладим ўзимга яток”, дейдиган амир-амалдорлар билан замонавий тўралараро боғлиқлик, ягона илдиз тоғади. Турди шеърларида замонасидан, порага аждаҳодек оғзини очиб турган, “Қамчилар солиб, ҳалкнинг бўйни, бетини қонатган беклардан, ҳалқ додини эшитадиган Хисрави одил шоҳ ўйклигидан нолийди, “дили тифи ситамдин пора бўлган ҳалқ” аҳволига ачинади. Янгича тафаккур мумтоз адабиётизмнинг нодир асарларини янгича таҳлил қилиб беришга туртки бўла-ди деб ишонамиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндалари замондошимиз маънавиятида канчалик жиддий ўрин эгалласа, жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари яратган шоҳ асарлар буғунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо асарлари ўзбек китобхони томонидан канчалик эъзозланса, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Фузулий, Махтумкули сингари сўз санъаткорлари асарлари ҳалқимиз томонидан севиб ўрганилган, ўрганилмокда. Қизиги шундаки, жуда кўп ўзбек китобхонлари “Шоҳнома” достони, Фузулий ғазаллари, Бедил рубойлари, Саъдий, Ҳофиз, Махтумкули кўшиклари ўз-ўзиники эканлигига шубҳа қилмаган, мазкур санъаткорлар асарлари Навоий, Машраб, Фазлий, Завқий асарлари сингари кадрланган. Руҳий, маънавий қардошлиқ форсий ва туркий тилларда яратилган асарларни ўзаро яқинлаштирган: туркий тилда ғазал битган деярли барча шоирлар форсча шеърлар ёзганлар. Факат ўзбек, форс-тожик шоирларигина эмас, мусулмон дунёсида яшайдиган турли миллат ёзувчиларининг адабиётларида гоявий-файлсафий асослар, поэтик санъатлар, мавзулар, сюжетлар ўзаро якин.

Ўзбек адабиётшунослари форс адабиётининг йирик намояндалари, уларнинг ўлмас асарлари ҳақида тадқиқотлар яратмоқдалар.

Халкаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, профессор Шоислом Шомуҳамедов 60-йиллардан бошлаб форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари, шоҳ асарларини ўзбек китобхонлари орасида кенг тарғиб килиб келмоқда. Олим аксарият мақолаларида форс-тожик адабиётидаги инсонпарварлик руҳи алоҳида таъкидлагайди.

Маълумки, Фарб адабиётининг Гёте, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Горький, Есенин, Тихонов сингари санъаткорлари форс-тожик адабиёти классиклари ижодига юксак баҳо берганлар, ўзлари ҳам улар услуби-ю жанрида асарлар ёзганлар. Шарқ халқлари орасида форс-тожик адабиётига хурмат шунчалар юксак бўлганки, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Бедил асарларини мукаммал билган, юксак маҳорат билан талқин кила олғандар сони доим ортиб борган. Ҳар бир давр кишиси бу туганмас бойлиқдан ўз имкони, тушунчаси даражасида фойдаланган. XXI аср бошлida китобхонларнинг янги-янги авлоди пайдо бўлмоқда. Улар ҳам форс-тожик адабиёти хазинасига мурожаат киладилар. Тўғри, форс-тожик адабиёти классикларнинг асарлари суюб боришга – ҳимоячига зор эмас: уларни асрлардан-асрларга парвоз килдирган “канот” ҳам, ўқувчи билан яқинлаштириб, кулфи дилини очадиган калит ҳам моҳиятда, бадний ўзакни ташкил қилган зарраларда. Лекин шундай бўлса-ла, Рудаки-ю Фирдавсийга, Хайёму Бедилга, Саъди-ю Ҳофизга замон гуноҳномасининг берилишида Шоислом Шомуҳамедов сингари олимларининг тавсияномалари зарур. Ш.Шомуҳамедов яратган илмий-наҳарий, илмий-оммабоп асарлар асосини “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм” деб номланган тадқиқот белгилайди. Олим форс адабиёти классиклари ижодида хур инсон улугланганилгини, етук одамлар абадий мавзулар атрофида мушоҳада юритганликларини таъкидлайди. Машхур санъаткорлар улкан максадлар билан яшончи буюк инсоннинг ёрқин тимсолини яратдилар.

Даҳо санъаткорлар инсон умрингене – эзгу ишлар, мангу коладиган яхшиликлар ҳакида ёзадилар.

*Яхши ҳам, ёнион ҳам қолмас пойдор,
Яхшиси яхши иши бўлсин ёдгор.*

(Фирдавсий)

*Тананг ҳам кетажсак, бору йўғине ҳам
Бахтиидир яхши ном қолдирган одам*

(Ҳофиз)

Абдурахмон Жомий машхур рубойисида инсон умрининг мазмунини чизиб беради:

*Ёдда тут дунёга келган чогингда,
Ҳамма кулар эди, фақат сен гирён.
Шундай яшагилки, кетар чөгингда,
Ҳамма ийглаб қолсин, сен эса хандон.*

Даҳо санъаткорлар – улар шарклими, гарблими, оқ танлими, қора танлими, мусулмонми, мажусий ё насроний – юксак ғояларни куйлаганлар. А.Жомий эндиғина туғилган гўдакнинг йиғисига ҳамманинг кувончини карши қўяди: йиги ва кувонч. Вильям Шекспирда ҳам йиглаб туғилган гўдак образини учратамиз. Аммо донишманд Шекспир бу образни янги маъно билан бойитади. Яхшиси, шу ўрнида Саъдулла Аҳмаднинг “Эдип” деб номланган бамаъни китобидан кўчирма келтирамиз:

“Шекспир Лондонда “Лорд Камергер труппаси” театрида актёр ва драматург бўлиб иш бошлайди. 1599 йил ёзида труппа Темза дарёсининг жануб киркоғида ўзи учун янги “Глобус” театрини қуради. Янги театр кўп киррали призма шаклида солинган бўлиб, кираверишга ер шарини елкалаб олган пахлавон – Геркулеснинг сурати солинган эди. Шунга кўра, театрнинг номи ҳам “Глобус” ёхуд “Ер шари...” деб аталган. Яна театр пештоқига: (“Бутун дунё ролга кирмокда” маъносини ҳам билдирувчи) “Дунё найрангбоздир” деган сўзлар ҳам ёзилган эдики, буларнинг ҳаммаси Шекспирдан чиккан акл, деб тахмин килинади. Чунки у “Гамлет”да дунёни зинданга менгзайди, гўрков тили билан, Англияда ҳамма ҳам жинни – “девона” дейди; Кирол Лир:

*Тугиларкан биз ийглаймиз, чунки ҳаётнинг
Саҳнасида аҳмоқларнинг ролин уйнаймиз, –*

деб айтади”¹. Кези келганда шуни айтиш керакки, Саъдулла Аҳмад Шекспир асарлари, Софоклнинг “Шоҳ Эдип”и таржимаси ва саҳна талқинлари ҳакида ёзади. Муаллиф Софокл асарининг замонлардан замонларга ўтиб келишини кисқагина ёзади-да, Шукур Бурҳон Эдипи ҳакида батафсил фикр юритади.

¹ Саъдулла Аҳмад. Эдип. –Т.: Адабиет ва санъат, -1988. –Б 108.

Саъдулла Аҳмаднинг «Эдип» асари босилганига ўн уч йил бўлди. Бошқача айтганда, Саъдулла «Эдип»ни Узбекистон мустакиллигидан аввал ёзган эди. 2000 йилда мунаққид Улуғбек Саидов «Шоҳ Эдип»ни янгича талқин қилишга ҳаракат килган. Яни ўзбек эстетикаси, адабиётшунослиги инсоннинг ўзлигини, асл моҳиятини ёритиб беришга интилмокда. У.Саидовнинг «Эдип айбдорми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳакида» маколасининг пировардида мана бу фикрни ўқиймиз: «Яратган инсонга илоҳий нур – акл-фаросат ато этди, уни фаришталардан устун билиб, дунё ишларида ўзига ҳабиб килди. Инсон бўлиб туғилмоқ-кatta масъулият «Ўзлигингни англаб ет», демокдан мурод иймон, виждон, адолат, меҳр, мурувват. Ҳакикий баҳт, шуҳрат, обрў, таҳт шулар ортидан келади. Софокл сўйлаган ҳақиқат, у берган сабоқ эскирмайди. Бугунги кунда «адашиш», «бехабарлик», «хато» фожиасини бошдан кечираётганлар бунинг далили»¹.

У.Саидов маколасининг киммати шундаки, муаллиф «Шоҳ Эдип» асарининг онтологик моҳиятини ёритиб беришга интилади. Бунинг учун у «гуноҳ» ва «худбинлик» деган тушунчалар моҳиятини талқин килади. Муаллиф эътиқодича, барча гуноҳлар кораланиши мантиқдан эмас. Гуноҳ – изланиш, ўзликни тафтиш этиш самараси. У бирламчи ғоялардан бўлиб, кўхна қарашлар тизимида марказий ўринни эгаллайди. Худбинлик-чи? У салбий тушунчами? «Худбинлик инсонни тараккиёт, ривожланиш сари етаклайди, ихтиро ва қашфиётлар килишга ундейди. Бўртириш бўлмаса, худбинликсиз одамзот ҳамон ибтидоий чўкморини кўтариб юрган бўлармиди». Софокл асарининг мангу яшовчанлиги боиси яна шундаки, муаллиф қаҳрамонни шундай нуктага кўя олдики, бир карасангиз, у энг гуноҳкор бандада. Мана шу караш «Шоҳ Эдип»ни мангу талқинга дучор килган. Хуллас, ўзбек танқидчилиги ўлмас асарларни синчилаб ўрганишда давом этмоқда. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг миллий адабиётларга таъсири масаласини, хусусан “Шекспир ва Пушкин” маколасида маромига етказиб ёритиб беради. Биз Пушкиннинг даҳо санъаткорлигига щубҳа килмаймиз. Қарангки, Пушкин Шекспир дахосининг мухлиси бўлган, бир неча тарихий фожиаларини Шекспир асарлари таъсирида ёзган экан.

Биз жаҳон адабиётининг ўлмас сиймоларини ёркин юлдуз, сайёраларга киёслаймиз-у, бу юлдузларнинг ўзаро боғликларни, тортилиш қонуниятлари ҳакида галирмаймиз. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг Пушкинга таъсирини очган бўлса, жуда кўп танқидчилар

¹ Саидов У. «Эдип айбдорми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳакида. –Т.: Жаҳон адабиёти, -2000. -№12. -Б. 169.

Пушкиннинг жаҳон ёзувчилариға таъсирини, рус шеърияти даҳосининг асарлари шу кунларда қандай буюк вазифаларни бажараётганликлари ҳакида ёзмоқдалар. Шоҳ асарларнинг узлаштирилиши масаласи, халқнинг эстетик маълумоти муаммоси мухим аҳамиятга эга. Халқнинг эстетик маълумотини ўстиришда таржиманинг ҳиссаси мунаққиднинг хизматидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Таржимоннинг ижоди факат таржима килиш, шу санъат сирларини эгаллашгина эмас. Таржимон ўтмиш адабиёти, жаҳон адабиётининг етук билимдени, халқнинг ижтимоий-эстетик талабларини нозик ҳис этувчи шахс. Унинг диди, билимдонлиги кайси асарни качон таржима килиш лозимлигини англашида билинади. Иброҳим Фафуров, масалан, саргузашт, детектив асарларни котириб таржима килиши мумкин эди. Лекин у Достоевский асарларини таржима килиш зарурлигини англаб етди. Ўзбек китобхони ўта мураккаб психологик асарларни англаб етадиган даражага кўтарилди. П.Мериме, Стендаль, Ж.Боккачо, М.Булгаков, Ги де Мопассан, Хемингуэй, Сент-Экзюпери сингари санъаткорларнинг асарлари китобхон учун мураккаб бўлмай қолди. Қодир Мирмуҳамедов, Ҳ.Тўрабеков, О.Шарафиддинов ва бошка таржимонлар ҳам ўzlари таржима килган шоҳ асарлар, уларнинг ҳозирги китобхон маънавий дунёсидаги ўрни ҳакида бемалол макола ёзишлари мумкин эди. Бу ишни таржимашунослик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар бажармоқдалар. Лекин, менимча, таржимашуносларимиз таржимада танлаш ва мутаржим концепцияси масаласига эътибор бермаяптилар. Биз таржимон деганда ўз адабиётини ўзга адабиётларнинг мангу асарлари ҳисобига бойитувчиларнигина эмас, ўз адабиётининг нодир асарларини ўзга халқлар билан баҳам кўрадиганларни ҳам назарда тутамиз. Шоир ва таржимон Ҳамид Исмоилов ўзбек шеъриятининг етук асарларини рус тилига таржима килади. “Муз кучоғида юлдуз” маколаси билан Ҳ.Исмоилов пишик танқидчи эканлигини исботлади. У Чўлпон ижодига, шахсига бўлган совук муносабатлар ҳакида ёзар экан, Чўлпоннинг рус адабиётига, рус санъаткорларига, ўлмас асарларга нисбатан жўшқин мухаббатини кўрсатиб берди. «Ҳакикий байналмилалчи бўлган Чўлпоннинг миллатчи сифатида маҳв этилганлиги кишини таажжублантиради, сталинизм моҳияти ҳакида теранрок ўлашга ундейди,¹ – деб ёзади Ҳ.Исмоилов.

Тарихий-функционал ўрганиш факат ўтмиш адабиёти ва жаҳон адабиётининг етук санъаткорлари, мангу асарларгагина нисбатан

¹ Исмоилов Ҳамид. Звезда подо льдом. (О русской культуре в творчестве Чулпана)// Вопросы литературы, -1988. №4. -С. 212-225.

кўлланилмайди. Бу мезон ҳозирги ўзбек адабиётига нисбатан ҳам бемалол кўлланиши мумкин. Ўзбек адабиётида машҳур санъаткорлар, шоҳ асарлар талайгина. Лекин ҳақиқий санъаткорларнинг хизматлари ҳамиша кўнгилдагидай эъзозланадими? Шоҳ асарлар яратилиши билан ҳалқ кўлига етиб боради-ю, ҳамиша унинг хизматида бўладими? Пушкиннинг даҳо санъаткорлиги замондошлирага, подшо ва унинг атрофидагиларга яхши маълум эди. Лекин амалдорлар Дантесининг кўлидаги ўлим куролини уриб туширмадилар. Машраб оддий одам эмаслиги, унинг юрагида сеҳрли ўт борлиги дорга осишга буюрганларга аён эди. Немис-фашистлари Юлиус Фучик, Муса Жалил деган оддий жангчиларни эмас, санъаткорларни ўлдираётганликларини яхши англардилар. Ҳамзанинг ракиблари уни ўлдириш билан ҳалқни катта истеъдоддан маҳрум килаётганликларини тушунардилар. Хуллас, санъаткор ҳамиша аниқ ижтимоий-сиёсий йўналишга эга бўлған шахс, шоҳ асарда ҳам сиёсий, ахлокий, эстетик қатлам мавжуд бўлади. Ундаги сиёсий йўналиш, ахлокий масалалар даврлар ўтиши билан эскириши мумкин. Аммо шоҳ асарнинг эстетик таъсири ҳамиша ортиб боради. Янги ўзбек адабиётининг етук санъаткорлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этдилар. Уларнинг асарлари турли тушунчадаги, турли маданий-эстетик савиядаги кишилар томонидан турлича талқин қилинди. Бадий асар талқинчиларининг савияси, тушунчаси, маънавий эстетик бойлиги даражаси санъаткорлар тақдирида муҳим роль ўйнайди. Асримизнинг 20-йиллари ўрталаридан то 50-йилларнинг иккинчи ярмигача сиёсий ҳушибурлик масаласи, аникрофи, ҳар бир кишидан сиёсий айб топишга интилиш, шубҳа билан караш ниҳоятда авж олди. Сталиннинг синфий курашнинг кескинлашиб боравериши конунияти ҳақидаги назарияси¹ адабиёт тараққиётига жиддий зарба бўлди. Адабиётнинг кўплаб намояндлари ҳалқ душмани ниқоби остида озодликдан маҳрум этилдилар. Улар яратган асарларни йўқ килиб юборишга ҳаракат қилинди. А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Боту сингари санъаткорлар ғайриинсоний сиёсий қурашларнинг қурбони бўлдилар. А.Қодирий, Усмон Носир, Боту сингариларнинг асарлари 20-30 йил, Чўлпон, Фитрат асарлари 50-60 йил давомида ҳалқка «хизмат қилиш» вазифасини ўтамади. 30-йилларда туғилган авлюдинг маънавий дунёси ўнлаб шоҳ асарлардан баҳраманд бўлмай шаклланди. Қарангки, мана шу авлод балоғатга етиб, замон юкини елкасига олиш палласи турғунылик

¹ Бу ҳақда, жумладан, П.Федосеев «Тарих фани: адабиётнинг актуал масалалари» мавзусида ўтказилган конференцияда сўзлаган нуткода тұхталинади //Литературная газета, -1988. -18 май.

Йиллари деб атала бошланди. Кўйди-чиқди, маънавий-ахлоқий тубанликлар, порахўрлик, бирократизм шу йилларда авж олди. Мана бу камчиликларда маънавий дунёдаги кемтикликнинг ҳиссаси йўқ деб бўладими?

20-30-йиллар адабиётшунослигида вулыгар социализм авж олди. Ёзувчининг асарлари фақат замон, жорий сиёsat нуктаи назаридан “баҳолана бошланди”. Истеъодли мунакқид Олим Шарафиддинов “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 14 февраляда босилган “Ўзбек шоирлари. Чўлпон” мақоласида шоир асарларини замонасозлик руҳида, сохта талқин килиди. Чунончи шоирнинг “Қушнинг ҳадиги” шеърида революцияга карши фикр йўклиги айтилади-да, шоирнинг русларга қарши чиққанлиги таъкидланади”.

Шу муаллифнинг “Ўткан кунлар” тақризida Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари саёз, бир ёклама талқин килинади. Шундай ҳолни М.Шевердиннинг “Биринчи ўзбек романи” тақризida ҳам учратамиз. Сотти Хусайн “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1929 йил июнь, июль, август, сентябр, октябр ойларида “Ўткан кунлар” ҳам ўтган кунлар” монографик - тақризини чоп эттирди. Тадқиқот-тақризда “Ўткан кунлар” романининг сиёсий, ахлоқий томонлари кенг ёритилади-ю, унинг эстетик қиммати хусусида асосли фикр айтилмайди. Тўғри, гап Олим Шарафиддинов, М.Шевердин, Сотти Хусайннинг Абдулла Қодирийга муносабати ҳақида эмас. Ўша даврда бадиий асарга бир томонлама қараш, санъаткорнинг синфий, партиявий муносабатига ургу бериш кучли эди. Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги монографиясида, Ҳамид Олимжоннинг Фитрат тўғрисидаги мақоласида ўша давр адабиётшунослигининг руҳи аник сезилади.

“Сароб” (А.Қаҳҳор), “Кеча ва кундуз” (Чўлпон), “Кутлуғ қон”, “Навоий” (Ойбек), “Қўшчинор” (А.Қаҳҳор) сингари ҳалқ ҳурматига сазовор бўлган асарлар дастлаб бир ёклама, сохта таҳлил килинди.

50-йилларнинг охири, 60-йилларда шоҳ асарларни бадиий бойлик сифатида баҳолаш кучайди. Шу пайтда А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, У.Носир, М.Шайхзода, Миртемир асарлари И.Султонов, Ҳ.Ёкубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиров, Ҳ.Абдусаматов сингарилар томонидан ижтимоий-эстетик йўналишда таҳлил килинди. Бошқача айтганда, санъаткорлар ижодини ўрганишда янги давр бошланди. “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”, “Сароб”, “Қўшчинор чироклари”, “Навоий” сингари машҳур асарлар янги авлод китобхонларига таъсир этиб, уларнинг маънавий дунёсини бойита бошлади. 80-йилларда Ойбек ижоди янгича талқин килина бошланди.

50-60-йилларда биз күпрөк носир Ойбек маҳорати ҳакида асосий гапларни эшитдик, жиiddий мақолаларни ўқидик. 80-йилларга келиб Ойбекнинг илк шеърияти, 60-йилларда яратган лирик асарлари янгича талкин килинди. Н.Каримов, И.Фафуров, М.Али, А.Шаропов мақолаларида Ойбекнинг лирик шеърлари ҳакида охорли фикр айтилди. Хусусан, И.Фафуров “Шеърият – изланиш демак” рисоласининг “Фаол инсон ва ижтимоий оптимизм” бобида Ойбек поэзиясини бир бутун ҳолда таҳлил килади, шонрнинг илк лирикаси ҳакида кенг тұхталади: “Йигирманчи йиллар ўзбек шеъриятига турли ўзига хос сўзлар, образлар, рамзлар, шеърий усуслар кириб келган эди. Мана шу нарсаларнинг бари Ойбекнинг романтик услубига ҳам хос. Ойбек ўз романтик услубининг табиатига ва йўналишига кўра кўёш, кўпш, чечак, шарқ, ел, эрк, ҳурлик сингари сўзлар, тушунчаларини шулар билан боғлиқ образларни кўп қўллади.

Ойбекнинг мана шу даврда яратган шеърларининг ҳар бир қатори, ҳар бир образи, кечинмалар тасвирида унинг ўзини топишга, лирикасининг мундарижаси ва ғоявий йўналишини аниклашига интилгани сезилиб туради. Ойбек лирикаси табиатта жуда яқин эканлиги, табиатдан саҳоватли қалб билан чексиз илҳомлар ола билиши, тўғрироғи, табиатни худди шеър каби қабул килиш кузатилади. Унинг табиат нафаси кирмаган, табиат билан боғланмаган шеъри йўқ ҳисоб. Ойбек лирикасида “мен” шахси ҳар бир сўзда, кечинмаларда, руҳий ҳолатларда табиат билан боғланади, табиат билан юракдан сухбатлапади, сирлашади. Унда табиатни хис килиш жуда кучли. “Мен” кечинмаларига табиат мумтоз ва такрорланмас эмоционаллик багишлайди¹.

Шоир Мұхаммад Али «Ойбек ҳакида этюдлар» мақоласида шоир шеъриятидаги гўзалликни теран хис этади. Муаллиф Ойбек шеърларини севиб, ардоклаб таҳлил килади. Таъқидлаш жоизки, Мұхаммад Али шеърлардаги унча-мунча шеършунос сезмайдиган сохталикларни ҳам кўради. Нимага шоир Ойбек, имконияти була туриб, шеърларидаги баъзи камчиликларни тўғриламаганилиги сабабини айтади: «Туйгуларнинг зўрлигидан, ҳаяжоннинг ёмбилигидан шеър коғозга бир тушади. Қандай тушади – гап шунда. Аксарият шеърлар коғозга бир тушганча уларга кайта калам урилмайди... Агар калам урилса, балки шеър силлик, равон бўлар, аммо туйғуларнинг, ҳаяжоннинг яхлитлигига птур этиши мумкин. Шеърда ҳаяжоннинг, туйғуларнинг сохталашувини Ойбек ҳеч ёқтирас майди»².

¹ Фафуров И. Шеърият-изланиш демак. -Т : Адабиёт ва санъат, -1984. -Б.106.

² Ҳаёт кўзгуси. Маколалар тўплами. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1984. -Б.295-296.

Ойбекнинг илк шеъриятини мунаккил Аскарали Шаропов ўзича талқин қилди. Ойбек шеъриятидаги гўзаллик ҳакида А.Шаропов бундай ёзади: «Уларнинг (кузги япроқларнинг – А.Р.) сирли сасида күёш, баҳор ҳакидаги иликлиқ бор. Ана шу излаб топилган иликлиқ шоир поэтик идроки, хаёл қудратининг маҳсули. У ўз навбатида гўзалликни кашф этишдир.

Шуниси характерлики, .Ойбек табиатнинг ҳар қандай қўринишида бевосита гўзал шеъриятни кўради. Унинг учун шеърият табиатнинг ҳар бир заррасида, сирли ўзгаришлари ва доимий шаффоғлиги-ю, бетакрорлигига яширганга¹. Ҳар учала талқинчи Ойбек лирикасидаги табиат гўзаллигига, табиийлигига эътибор беради. Шоир Хуршид Даврон «Ойбекнома» шеърида юқоридаги талқинларга бадиий хулоса ясагандай бўлади. «Ойбекнома» Ойбекнинг илк лирикаси ҳакидаги шеърий, мангу баҳодир:

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,
Майсага ёнбошлаб ўқимоқ керак.
Ва сокин шивирни – оҳангни ўқиб,
Ойбекми? Майсами? – деб толсин юрак...
Ойбек тириқ ҳамон, у кўжда ҳилол,
У шамол, боғларда ҳамон еладир.
У мени чорлаган ойдин бир хаёл,
Кўкдаги каҳкашон унинг йўлидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср ўзбек адабиёт-шунослиги Ойбек шеъриятини талқин қилишда давом этади. Ойбек насли – XX аср ўзбек прозасининг таянч асосларидан. Ёзувчи кисса, романлари ҳакида XX асрда кўплаб тадқикотлар яратилди. «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларини қайта баҳолаш йўлида баъзи интилишлар бўлди. Шўро даврида академик Матёкуб Кўшжонов Ойбек романларини теран, асосли тадқик этди. Тадқикотчи ўз услубига лойик қолган ҳолда бадиий матнга суюниб иш олиб борди. Айни вактда тадқикотчи Ойбек асарларини ҳукмрон мафкура, етакчи дунёкараш асосида ўрганди. Яъни Йулчидаги инқилобий онгнинг ўсишини, ижтимоий муносабатлар даврасида характерининг шаклланишини кўрсатди. Тадқикотчи «Қутлуғ қон»даги барча муносабатларни синфий кураш, ижтимоий онг нуқтаи назаридан очиб берди. Аниқроғи, Ойбек «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Согиндиқ»

¹ Шаропов А. Юлдузли осмон сехри. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1983. -Б.21.

сингари достонларидаги инқилобий руҳни романга олиб киришга интилди. Мазкур достонлар сюжети, характерларини романга сингидирди. Лекин романда ғолати бир ҳолат кўзга ташланади: синфий кураш, инқилобий онг масаласи асарга зўрлаб сингдирилаётгани сезилиб колади. Истеъодоли Ойбек ижод жараёнида, воқеа-каҳрамонларни гайришуурый кўрсата бошлаганида тамоман янгича рух, караш намоён бўла бошлади. Романдаги янги рух, муаллифнинг табиий тасвири инқилобий-ижтимоий муносабатларни ўзгартигради. «Кутлуг кон» реалистик миллый роман сифатида китобхонга кўп нарсалар хакида сўзлайди. Биринчидан, Йўлчидаги ҳалоллик, маънавий поклик, гуноҳдан кўркиш, савоб ишларга қўл уриш сингари фазилатлар ўзбекнинг асрлар давомида шаклланган хусусиятидир. Иккинчидан, Мирзакаримбой, масалага ҳакқоний ёндашилса, тубан, инсофенз, диёнатсиз эмас. У бойми, камбағалми, кариндошми, бегонами – барчага ўз тажрибаларини рўй-рост айтади. Унинг гаплари, иш юритишида акли, мураккаб ҳаёт синовларida чиниккан одамнинг характери кўринади. Романда синфий кураш масаласи ҳар қанча бўргитрия-масин, ўзбеклар зинҳор бир-бирига (ижтимоий табакаланини нуктии назаридан) бўри бўлмаганлар. Шокир отанинг кампири кунини бойбадавлат оиласларницида ўтказди; Йўлчи билан Абдишукур бир дастурхон атрофида фикрлашадилар; Салим, Ҳаким, Нури бўлмасин Йўлчига камбағал, хизматкор сифатидагина муносабатда бўлмайдилар. Нихоят, шуниси ҳам борки, романнинг ҳар бир боби, сахифаси, картинасидан ўзбекона ҳаёт тарзи, гўзалликка шайдолик сезилиб туради. Буни ўзбеклар юртига илк бор келган одам ҳам дархол сезди. «Кутлуг кон»да Салимнинг қистови билан ресторонга кириб қолған Йўлчи ҳолати, «оз ичиб, кўп овкат еяётган» Абдишукурнинг кўшини столдаги икки руснинг сұхбатига зимдан қулоқ солиши таснирланган. Сұхбатдош руслардан бири: «Менинг мушоҳадамига караганди, уларда, масалан, бадиий сезги анча ўсган. Улар гулни сенидилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам, кулокларига гул кистириб кўршилар. Ашулани, ўйинни жуда ёқтирадилар...»¹, - дейди.

«Кутлуг кон»даги Абдишукур характерига катта валифа юклитилган. Адабиётшунос Дилмурод Куронов «Кечи на кундуз» романидаги Шарафуддин Ҳўжаев билан «Кутлуг кон»даги Абдишукурни қиёсан таҳлил килади: «Бир қарашда Абдишукур билан Ш.Ҳўжаев ягона мақсадга интилаётгандай, лекин аслида бундай эмас. Ш.Ҳўжаевнинг миллый сармоя ҳакидаги гаплари ҳам, маърифатиарнарлик

¹ Ойбек. Асаллар. 10 т. Т.З. –Т.: Адабиёт ва санъат, -1969. –Б.88.

ҳақидаги гаплари ҳам бир максадга – мустамлака зулмидан кутулиб, мустақил давлат қуришга бўйсундирилган. Абдишукур эса бойлар билан бирга подшога омонлик тилайди... Ш.Хўжаевнинг саъи-харакатларини миллий озодлик ҳаракатининг бир кўриниши сифатида кабул қилиш мумкин эди. Абдишукур эса инқилобий йўлдан ислоҳотлар йўлини афзал билади. Абдишукурнинг шахсий сифатлари ҳам гоявий қарашларига мос тушади. У бойларнинг олдида ялтоказлани, уларнинг даврасига қўшилиб юрганидан қувонади. Ш.Хўжаев мусулмон бойлари орасида кенг тарқала бошлаган бузукликларга қарши, Абдишукур эса бу «неъматлар»дан тотинганига хурсанд»¹.

Дилмурод Куронов Чўлпон ва Ойбек романларини ижтимоий-гоявий жиҳатдан талкин килади. У ҳар икки романда феодализм, буржуазия хусусиятларининг намоён бўлиши масаласига эътибор қаратади. Унинг талкинича, Чўлпон буржуазия муносабатларининг пайдо бўлишини кўрди. «Ойбекнинг қарашлари «расмий нуктаи назарга» мос тушади, лекин шунда ҳам адаб юқорига маъқул келадиган килиб (кейинги таҳрирлар бундан мустасно) ёзган дейишдан тийиламиз, – деб ёзади Д.Куронов. – Ёш Мусо шахс ва адаб сифатида шаклланган шарт-шароитларни, унинг Ойбек бўлишида инқилобнинг аҳамияти назарда тутилса, ёзувчи ўзи англаган ҳақикатни борича, кўлидан келганича тасвирилашга ҳаракат қилганини билиш қийин эмас»².

Д.Куронов мақоласи миллий истиклол арафасида ёзилди, чоп этилди. Муаллиф қарашларида ленинизм таъсири, адабиётни ижтимоий-синфий восита деб билиш ёки шундай кўриниш майли кучли. XXI аср бошларида «Кечава кундуз» ҳам, «Қутлуғ кон» ҳам истебоддли ёзувчиларнинг ҳалқ руҳини ишонарли ёритиб берилган асарлари сифатида талкин килиниши, баҳоланиши максаддага мувофиқидир.

¹ Куронов Д. Икки роман – икки талкин. – Т.: Ёшлик, -1991. № 6. –Б.31-32

² Юқоридаги мақола. –Б.31

ҚҰЛЛАНМАГА ИЛОВА

Биографик ёндашув бүйича саволлар

1. Биографик метод ва биографик асарнинг фарқлари нимада?
2. Француз ёзувчиси Шарль Сент-Бёвнинг биографик метод ҳақидаги карашларининг моҳияти кандай?
3. Ўзбек танқидчилиги тарихида биографик методга муносабатлар кандай бўлган?
4. Илмий метод ва мафкуравий ёндашув аро зиддият нимада?

Тарихий-функционал ёндашув бүйича саволлар

1. Онтология ва функционал ёндашув аро узвий боғлиқлик асоси нимада?
2. Тарихий-функционал ёндашувдаги холислик ва нохолислик сабабларини сўзланг.
3. “Бой ила хизматчи” асарига функционал ёндашув босқичлари.
4. Абдулла Қаххор ижоди, хусусан, “Сароб”га функционал ёндашув даврлари.
5. Бадиий асарда замон ва хронотоп шакли деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Валихұжаев Б. Мұмтоз сиймолар. I-II жилд. Т.: “Халқ мероси”, 2002.
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986.
3. Болтабоев Ҳ. Фитрат – адабиётшунос. Т.: “Езувчи”, 1998.
4. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. М.: Советский писатель, 1981.
5. Гуренко Е. Проблемы художественной интерпретации. Н.: Наука, 1982.
6. Йүлдошев Қ. Адабиёт үкитишнинг илмий-назарий асослари. Т.: “Үқитувчи”, 1996.
7. Каттабеков А. Тарихий ҳакикат ва бадиий маҳорат. Т.: “Фан”, 1982.
8. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т.: “Маънавият”, 1999.
9. Норматов У. Қаҳхорни англаш мاشақкати. Т.: “Университет”, 2000.
10. Қосимов Б. Миллий уйғониш (жасорат, маърифат, фидойлик). Т.: “Маънавият”, 2002.

МУНДАРИЖА

Бадий асарга ёндашув асослари.....	3
Бадий матнга тарихий–биографик ёндашув.....	3
Бадий асарга тарихий-функционал ёндашув.....	22
Құлланмага илова	41
Адабиётлар рүйхати	42

328c